Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 8 (969) • 2014-yil, 28-fevral, juma

## Ҳаммамизга дахлдор масалалар акс этган дастур

➢ Муносабат

Болажонлик халқимизга хос қадрият сифатида қон-қонимизга сингиб кетган эзгу фазилатлардан биридир. Азал-азалдан ҳар қайси ўзбекнинг фарзанд билан ҳаёти тотли, оиласи янада мустаҳкам бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳаётимиз давомчиларининг ёруғ келажагини қуриш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда фаоллари ҳам Давлат дастурига ва унда белгиланган устувор йўналишларга ўз муносабатларни билдирмоқдалар.

**Абдукамол РАҲМОНОВ, партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, фракция аъзоси:**

— Болалар — келажак эгалари. Ёш новдани тўғри парваришлаш боғбоннинг салоҳиятига боғлиқ бўлганидек, болаларни тўғри тарбиялаш, уларда Ватанга бўлган меҳр ва садоқатни шакллантириш, юрт истиқболи учун бор кучини аямай хизмат қилиши учун йўналтира олиш фақатгина ҳаётий тажрибага, ўзининг мустаҳкам позициясига эга инсонлар, давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари зиммасидаги муҳим вазифадир.

Давлатимиз томонидан оналик ва болаликка, уларнинг саломатлигини сақлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бизни қувонтиради. Ён-атрофимизда нотинчликлар, қуролли можаролар давом этаётган, дунёнинг қатор мамлакатларида ёшлар ҳуқуқи камситилаётган, миллионлаб болалар бошланғич таълим олиш, бепул даволаниш имкониятидан мосуво бўлиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда келажак эгаларига қаратилаётган юксак эътибор бор куч-ғайратимизни она Ватан тараққиёти йўлида сафарбар этишга ундайди.

2 ➢

➢ 2014 йил — Соғлом бола йили

## Фарзандларимиз саломатлиги муҳофазамизда



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳар томонлама соғлом авлодни камолга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек олижаноб мақсад мужассам. Бу борада Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳам салмоқли натижаларга эришмоқда.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган шифохона ўтган йили замонавий бинога кўчиб ўтди. Марказ фаолияти кенгайиб, хирургия, реанимация, ортопедия, пульмонология, гастроэнтерология, кардиоревматология, неврология бўлимлари қаторига офтальмология ва урология ҳам қўшилди. Бош шифокор Аъзам Абдураззоқовнинг айтишича, тажрибали тиббиёт ходимлари кўрсатаётган сифатли тиббий хизмат самарасида болалар орасида учрайдиган касалликларни ўз вақтида даволаш ва олдини олишга эришилмоқда. Марказ ташаббуси билан Соғлом бола йилида вилоятда соғломлаштириш ҳафталиклари ўтказилмоқда. Яқинда Тошлоқ ва Ёзёвон туманларида марказ шифокорлари болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

**Суратда:** ***(чапда) ҳамшира Осиёхон Нишонова она ва бола саломатлигини доимий назорат қилиб боради.***

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**




## Ҳамма интиқ кутар байрам бу...

Узоқ давом этган қиш мавсумидан сўнг юртимизда кўклам нафаси эса бошлади. Ҳали олисдаги тоғ чўққилари оппоқ либосларини ечмаган, аммо ён-атрофимиздаги, кўча-хиёбонлардаги қор уюмлари эриди, дарахтлар уйғона бошлади, кўкдан мўралаётган қуёш борлиқни ростакамига қизита бошлади.

Тириклик фасли баҳор келаяпти. Табиат уйғонаяпти, олам уйғонаяпти. Борлиқда яшариш ва яшнаш кайфияти. Баҳор келмоқда, ахир...

Табиат қанчалар доно. Унинг бу фазилатидан баҳраманд бўла билган, табиат билан тиллаша олган ота-боболаримиз-чи. Қаранг, юртимизга айнан кун билан туннинг тенг кунлигида, ёруғлик билан қоронғуликнинг мутаносиблигида, олам энтикиб, яшнай бошлаганида Янги йилимиз бўлган Наврўз кириб келади. Йилбоши байрамимиз эса бизнинг энг қадимий, энг ардоқли ва асл миллий байрамимиздир.

Наврўзга ҳозирлик мудом қиш адоғидан бошланади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Куни кеча матбуотда Республикамиз Президентининг "2014 йилги Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" Қарори эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Қарорда ушбу байрамимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, инсоннинг она табиат билан уйғун бўлиб яшашидаги, фуқаролар қалбида бағрикенглик, меҳр-оқибат туйғуларини уйғотишидаги аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

2 ➢

## Мен «Адолат»ни танладим

Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган, ўз фуқаролик позициясига эга ҳар бир шахс касбий фаолияти ёки мақсадларидан келиб чиқиб, маълум бир сиёсий партия ғояларини ёқлаши ва унга аъзо бўлиши мумкин.

Мен ҳам аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида дастурий мақсади жамиятда эркин, ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этиш бўлган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясини танладим ва унга аъзо бўлдим.

Қолаверса, мен ҳам оддий фуқаро, ҳам олий тоифали юрист сифатида партиянинг адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби дастурий ғояларининг тўлақонли тарафдориман. Зеро, ҳар қандай замон ва ҳар қайси жамиятда адолат тамойили инсонлар учун ҳамиша бирламчи аҳамият касб этиб келган.

Касбий фаолиятимдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, партиянинг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол кўмаклашишни мақсад қилиши мени мазкур жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ундади.

**Отабек МАҲКАМОВ,** юрист



## Болаларга беринг дунёни

➢ Таҳририят меҳмони



Мультфильмни, кинони севиб томоша қилмайдиган бола бўлмаса керак. Бугун кино ва мультипликация саноатида бир-биридан қизиқарли мавзу, ранг-тасвир, турфа қаҳрамонларга бой анимацион мультфильмлар ва бадиий фильмларнинг яратилиши уларга нафақат жажжи болакай, қизалоқларнинг, ҳатто катталарнинг ҳам қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда. Меҳмонимиз, истеъдодли ёш кинорежиссёр Нозим Жумаев билан суҳбатимиз айнан болалар учун мўлжалланган кино ва мультфильмларнинг бугунги ҳолати, эришилаётган ютуқ, йўл қўйилаётган камчиликлар мавзусига бағишланди.

7 ➢

***Бугунги сонда:***

**Ютуқлар кадрларга боғлиқ**

... партиямизнинг ёш фаоллари учун депутатларни, салоҳиятли эксперт ва нотиқларни жалб этган ҳолда сиёсий ўқувлар таъсирчанлигига эътиборни ошириш лозим.

3 ➢

**Сиёсий маданият**

...одамларнинг хулқ-атворига ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ҳодисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо бериш мезони ҳисобланади.

5 ➢

ADOLAT
№ 8 (969) 2014-yil
28-fevral, juma

# Ҳаммамизга дахлдор масалалар акс этган дастур

Давоми. Боши 1-бетда

Давлат дастурида биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланганлиги биз қонун ижодкорлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Хусусан, дастурга мувофиқ ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, янги таҳрирда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги каби қонун лойиҳалари партиямиз сайловолди ва Ҳаракат дастурларида белгиланган мақсад ва вазифаларга хос равишда "Адолат" партиясидан сайланган депутатлардан қонун лойиҳаларини такомилига етказишда электорат манфаатига мос таклиф ва ташаббуслар билан чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ёшларни нафақат мамлакатимиз келажаги, балки давлат ва жамият ривожи йўлидаги мақсадларга эришишда таянч ва ҳал қилувчи куч, деб билади. Биз ёшларга берилаётган эътиборни буюк давлат келажагига ётқизилган сармоя, деб биламиз.

Албатта, Давлат дастури ижросини таъминлаш, жойларда дастур ижросини назорат қилишда партиямизнинг барча даражадаги тузилмалари сафарбар этилади. Буни амалий ишларимиз билан тасдиқлаш учун ўз Ҳаракат дастуримизда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширишни белгилаб олдик.

**Сулув ҲАМИДОВА,**
**Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши раиси:**

— Фарзанд туғилган кунидан бошлаб оилада яшайди. Оилага хос қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантириб боради. Энг муҳими, оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ота-онанинг фарзанди тарбиясига эътибори келажакда мустақил фикрлайдиган шахснинг камол топишига бевосита таъсир этади. Демакки, Ватанимизнинг муносиб фарзандлари, яъни ижодий фикрлайдиган, мустақил хулосалар чиқарадиган, келажакда қайси бир соҳа мутахассиси бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон мустақиллигининг истиқболига муносиб ҳисса қўша оладиган инсон бўлиб етишади. Демакки, оиланинг, фарзандларимизнинг келажаги уларга қаратилаётган эътибор билан белгиланади.

Давлат дастуридаги чора-тадбирлар ҳаттоки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этиш, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш белгиланаётганлиги юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият эканининг намойишидир.

Бундан ташқари, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини юксалтириш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар иқтидорини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби вазифалар ҳам белгиланганки, бу ҳам оиласи, фарзандлари учун жамиятимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган аёлларимизнинг кўнглига ғурур бағишлайди.



Биз партия фаоллари эса соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим вазифалар ижросини назорат қилишда янада фаол бўлишимиз, айниқса, қишлоқ жойларда профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, никоҳдан ўтувчиларнинг тиббий кўриги сифатини яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш борасидаги тарғибот ишларини янги босқичга кўтаришимиз зарур. Соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш ҳам олдимиздаги бирламчи вазифа бўлиб қолади.

**Бибисора ЖУМАНАЗАРОВА,**
**Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сонли поликлиника шифокори, Жўқорғи Кенгес депутати:**

— Қабул қилинган Давлат дастури бизнинг келгусидаги фаолиятимиз учун ўзига хос дастуриламал бўлди. У эзгу ишларимиз кўламини янада кенгайтириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш борасидаги лойиҳаларни изчиллик билан давом эттиришга эътиборимизни янада кучайтириш гаровидир. Сўнгги йилларда тизимда юритилаётган ислоҳотлар натижасида халқ саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодларни тарбиялаш, тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичларга кўтариш, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, даволаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буларнинг самарасини шаҳар ва овулларимизда фаолият кўрсатаётган 40 стационар, 13 диспансер, 243 амбулатория-поликлиника муассасалари, шу жумладан, "Саломатлик" лойиҳалари асосида ўтган йиллар давомида 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган 190 қишлоқ врачлик пунктлари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар мисолида кўришимиз мумкин. Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида 2009-2013 йиллар оралиғида 26 даволаш муассасаларида 75 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига янги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Замон талабларига тўла жавоб берадиган, ривожланган мамлакатларнинг энг сўнгги технологиялари билан жиҳозланган даволаш-профилактика муассасаларида бугунги кунда 3600 нафардан ортиқ шифокорлар ва 17 мингга яқин ўрта бўғин тиббиёт ходимлари куни-тун халқимизга тиббий хизмат кўрсатаётир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан дунёда биринчилардан бўлиб юртимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бу ўз навбатида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олишда аҳамияти катта бўлмоқда. Бундай эътиборни молиявий танглик давом этаётган ҳозирги кунда ривожланган давлатларда ҳам учратиш қийин. Эътибор, ижтимоий ҳимоя тугул, биз бугун давлат хазинасида маош учун ҳам пул йўқ мамлакатларни кўраяпмиз.

Эртанги кун эгаларига қаратилаётган эътибор ҳам шифокор, ҳам партия аъзоси сифатида мени қувонтирди. Демак, биз "адолатчилар" давлат томонидан ўтказилаётган ислоҳотларга томошабин бўлмай, ўз амалий ишларимиз, таклифларимиз билан елкадош бўлишимиз керак. Шу боис аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган кўргазмали ахборот материаллари, ҳар хил услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб тарқатиш, профилактик чора-тадбирлар муваффақиятини таъминлаш устувор мақсадимизга айланди, деган фикрдаман. Жорий йилда "ОИТС профилактикаси", "Сил касаллиги профилактикаси", "Эрта турмушга чиқишга шошилманг", "Йод танқислиги", "Вирусли гепатит", "Она сутининг аҳамияти" каби мавзуларда тарғибот ташвиқот ишларини олиб бораяпмизки, бу ҳам соғлом авлодни тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Энг муҳими, биз, "Адолат" СДП аъзолари ҳаётимизнинг маъно-мазмуни бўлган навқирон авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг фаровон келажагини барпо этиш, интеллектуал салоҳияти кенг авлодни тарбиялаш борасида дастуриламал сифатида хизмат қилувчи мазкур Давлат дастурининг ижросини таъминлашда фаол бўлишимиз, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз ёрдамида халқимизнинг тиббий маданиятини оширишга ҳисса қўшишдан, уларнинг бугун соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари эртанги кунда ўз самарасини беражагини тарғиб қилишдан тинмаслигимиз лозим.

# Вакиллик масъулияти

**➢ Депутатлик гуруҳларида**

**Бундан беш йил муқаддам партиянинг мақсад ва вазифалари, социал-демократик ғояларни кенг жамоатчиликка етказиш орқали партия сафларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинаётганда, ана шу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка тавсия қилиш ва сайловчилар ишончини қозонган депутатлари зиммасига қонунчилик ва ижро ҳокимиятларида вакиллик вазифасини юклаш ва уларни бошқариш масаласига бирламчи эътибор қаратилганди. Тан олиб айтиш керакки, ана шу масалалар ҳануз партиямиз учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Буни партия депутатлик гуруҳларининг жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишлари кун тартибига киритилаётган масалалар муҳокамаси ҳам кўрсатиб турибди.**

Айниқса, ўтган йилларда орттирилган тажрибалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили вакиллик масъулиятини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Афсуски, орамизда депутатлик мансаб, имтиёз эмас, балки фидойиликка, ташаббускорликка йўл очиб берувчи восита эканини англамаётган сафдошларимиз ҳам бор экан, бу партиянинг мақсад ва вазифаларини обрўсизлантириши мумкин. Фақат қатъият, халқ ва сайловчи манфаати йўлидаги уринишлар, партия танлаган йўлни, вазифани ҳимоя қилиш эса унинг имкониятларига имконият қўшади.

Албатта, зиммамизда турган вазифалар кўлами ва масъулиятини тўлиқ ҳис этиб турибмиз. Ҳозирги шароитда партиямизнинг барча бўғинлари бирдек ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Энг муҳими, ҳаётни чуқур ўрганиб, аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни кўпайтиришимиз зарур.



Тўғри, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда ташаббус ва қатъият кўрсатаётган, Жамоатчилик қабулхоналари ишида фаол иштирок этаётган, доимий комиссиялар, маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар тайёрлашда фаоллик кўрсатаётган депутатларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Афсуски, суст фаолият юритаётган маҳаллий партия ташкилотлари, депутатларимиз борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Улар одамларни безовта қилаётган ижтимоий масалаларни ўрганиб, таҳлил этиб, амалий таклифлар беришга етарли аҳамият қаратмаяпти. Биз ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан маҳаллий Кенгашлар даражасида нафақат қарорлар қабул қилишга, балки унинг ижроси таъминланишига эришишимиз зарур.

Бироқ 2013 йилда депутатлик гуруҳимиз аъзолари ташаббуси билан доимий комиссиялар мажлисларида 15 та масала кўриб чиқилганига қарамай, сессиялар муҳокамасига бирорта ҳам таклиф кирита олмаганлигимиз энг асосий камчилигимиздир. Зеро, ҳудудий дастурлар ижросидаги иштирокимиз айнан маҳаллий Кенгаш сессиясига киритган таклифларимиз орқали белгиланади.

Тўғри, Урганч шаҳар партия кенгаши қошида ташкил этилган партия фаоллари ва депутатларидан иборат жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари жойларда фуқаролардан тушаётган аризаларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни мутасадди ташкилотлар кўмагида ҳал этишга бирмунча муваффақ бўлаяпти.

Бироқ бу ҳолат бизни қаноатлантирмайди. Айтиш лозимки, сиёсий партиянинг асосий кучи маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидир. Улар фаолиятини кучайтириш ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни комплекс ўрганиш ва ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳамда бюджетдан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шундай экан, барча даражадаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббускорлигини ошириш масаласи доимий диққат-эътиборимизда туриши керак. Ҳозирги шароитдан келиб чиқиб партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳларидан янгича ёндашув, изланиш ва ташаббускорлик талаб қилинади. Қолаверса, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан партиямизнинг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликни янада кучайтириш ҳамда мустаҳкамлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланади.

**Рустам БОЛТАЕВ,**
халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари

# Ҳамма интиқ кутар байрам бу...

Давоми. Боши 1-бетда

Дарҳақиқат, инсониятнинг энг эзгу аъмоли ҳар туни қадр, ҳар куни эса Наврўз бўлган обод юртда умргузаронлик қилишдир. Айниқса, 2014 йил – Соғлом бола йилида нишонлайдиган "Янги кун"имиз ўзгача шукуҳ ва тароват касб этиши шубҳасиз. Зеро, ҳар қандай байрам аввало болалар билан гўзал ва аслини олиб қараганда, улар учун ҳамдир. Шундай экан, Наврўз тантаналари энг аввало соғлом болаларимизнинг қутлуғ байрами бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоғимиз жоиз.

Бугун қишлоқларимизда ҳаёт қайнамоқда. Дадалар ҳосил учун тайёрланмоқда, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Анъанага кўра Йилбошимиз арафасида катта ҳашар ўтказамиз, кексаларнинг дуосини оламиз.

Наврўз шукроналик байрами. Шундай кунларга етиб келганимизга минг шукр. Наврўз кексаларга меҳр-саховат, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш байрами. Наврўз кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам кўрсатиш воситаси. Наврўз боқий миллий қадрият ва анъаналаримиз намойиши куни. Наврўз қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи. Шундай экан, Юртбошимизнинг Қарорида таъкидлаб ўтилганидек, бу байрамни пухта тайёргарлик билан кутиб оламиз.

**Наримон ШОКИРОВ,**
Фарғона шаҳридаги «Ўзбекистон» МФЙ раиси, "Адолат" СДП фаоли.



# Эътибор нимага қаратилиши керак?

**➢ "Адолат"нинг адолатли аёллари"**

Аёлларнинг ҳуқуқий билимлари, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда аёллар ташкилотларининг жамиятдаги ролини кенгайтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом авлодни шакллантириш самарадорлигини кучайтириш ишида сиёсий партиялар, хусусан, "Аёллар қаноти" фаоллари иштироки кенгайиб бормоқда.



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сафларидаги аёллар етакчи кучга айланиб бормоқда. Вилоят партия кенгаши таркибидаги 18 та шаҳар ва туман кенгашлари раисларининг 50 фоизи, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг 4 нафар депутатидан икки нафари аёллардан иборатлиги ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиева ўзининг фидойилиги, ибратли ташаббуслари билан бугун кўпчилик сафдошларига намуна бўлмоқда. Ўтган йили ушбу гуруҳ таклифи билан вилоят Кенгаши сессиясига киритилган учта долзарб масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Зарифа Эралиева раҳбарлигидаги депутатлик гуруҳининг партия томонидан йилнинг энг намунали депутатлик гуруҳи, деб топилиши ҳам аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётганидан далолат беради. "Адолат"нинг адолатли аёли етакчилик қилаётган доимий комиссия ҳудудларда қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, депутатлик сўровидан фойдаланган ҳолда жойлардаги муҳим масалалар ечимига мутасаддиларни жалб этиш борасида ҳам фаол. Дунё кўрган тадбиркор Зарифа Баҳодирова тажрибаси, унинг касаначилик соҳасида Оҳангаронда бошлаган иши қўшни вилоятларда ҳам оммалашмоқда. Ташаббускор ва фаол партия аъзоси раҳбарлик қилаётган хусусий корхонанинг тол новдаларидан ишлаб чиқараётган хилма-хил мебель маҳсулотлари мижозларга манзур бўлмоқда. Бу маҳсулотлар ўзининг нафақат арзон ва қулайлиги, балки экологик табиий хомашёдан тайёрланганлиги билан ҳам талабчан харидорлар дидига мос тушаяпти.

Вилоят партия кенгаши "Аёллар қаноти"нинг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида партиямиз сафидаги бундай фаол, оқила, замонга ҳамнафас аёлларимизнинг ибратли ишлари яна бир бор эътироф этилди. Йўл қўйилган камчиликлар рўйирост айтилди.

Қайд этиш лозимки, ҳисобот даврида хотин-қизлар масалаларига оид жами 1400 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Сиёсий ўқув, давра суҳбати, ўқув-семинар, учрашув ва очиқ мулоқот тарзида ўтказилган ушбу тадбирларда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ва фаоллигини янада оширишга кўмаклашиш, юртимизда кечаётган сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар ва ҳукумат томонидан чиқарилаётган қарорлар ва янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини хотин-қизларга етказиш, шунингдек, улар ичидан раҳбарлик ва лидерлик қобилияти бор аёлларни топиб партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида қатор кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ташкил этилгани ўз самарасини берди. Натижада партиямизга тарафдорлар ва хайрихоҳлар сафи кенгайди. Ўтган йилнинг сўнгги чорагида сафларимиз уч юз нафар фаол аёллар ҳисобига кенгайди.

Давлат дастурлари доирасида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам», «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «Сиз «Адолат» СДПни биласизми?», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Репродуктив саломатлик ва соғлом она — соғлом бола» мавзуларидаги давра суҳбатлари ва семинарларнинг замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилганлиги тадбир иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Уч гуруҳга бўлинган ҳолда "Аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб масалалари", "Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари", "Аёлларнинг жамиятда фаоллигини ошириш ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги" мавзуларида интерактив тренингларда аёллар ўз таклиф ва мулоҳазалари билан қатнашишди. Экспертлар томонидан аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида миллий қонунчилик ва амалий тажриба, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, аёллар жамоат ташкилотларининг фаолияти очиб берилди.

Бироқ фаолиятимизда камчиликлар ҳали кўп. Хусусан, аёлларда раҳбарлик ва етакчилик қобилиятини шакллантириш, қўлида ҳунари бор, аммо ишсиз ўтирган аёллар ва ёш қизларни касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга жалб этиш, шаҳар ва туман партия кенгашларидаги «Аёллар қаноти" фаолиятини янада кучайтириш, муаммоларни бартараф этиш, илғор туман, шаҳар ва бошланғич ташкилотлари тажрибасини оммалаштириш, шунингдек, замонавий усул ва технологияларни қўллаш орқали фаолият самарадорлигини ошириб бориш масалаларига эътиборни кучайтиришимиз талаб этилади.

Олдингидек аёл киши уй бекаси, у фарзандлар тарбияси билан шуғулланади, оила ташвишлари, уй-рўзғор юмушларидан ортмайди, деган гаплар билан ўралашиб қолмасдан, балки, ўзининг мустаҳкам ҳаётий позицияси ва ибратли ишлари билан жамият ҳаётида, бугунги ислоҳотларда фаол иштирок этадиган аёлларнинг кўпайишидан, ўз салоҳияти, иқтидори ва куч-қудратини тўла намоён қиладиган аёллардан жамият наф кўради.

Албатта, олдимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича жойларда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, улардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш, Президентимизнинг Конституция қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар ва вазифалар доирасида ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда хотин-қизлар ҳаётида мавжуд бўлган муаммолар мониторинги асосида амалий ҳаракатларни янада кучайтиришдек залворли вазифалар турибди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жойларда тадбирларни шунчаки номига ўтказишдан ҳеч кимга наф йўқ. Хўш, бунинг учун нимага эътибор қаратиш лозим? Нима қилсак қанот фаолияти самарадорлиги ошади? Менимча, аввало, тадбирларни режалаштиришда ундан аниқ мақсадни кўзлаш, шунга мувофиқ мутасадди ташкилотлар, айниқса, депутатлик гуруҳлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз талаб этилади.

Камчиликларни бартараф этишда умумэътироф этилган илғор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан кўпроқ фойдалансак, аёларнинг ташкилотчилик кўникмалари ва сиёсий билимлари, нотиқлик маҳорати ҳамда лидерлик сифатларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшган бўламиз.

**Феруза ЮЛДАШЕВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилояти кенгаши
"Аёллар қаноти" раиси

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Корея Республикаси халқаро савдо уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ бизнес-форуми



Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев, Корея Республикаси халқаро савдо уюшмаси раисининг ўринбосари Ан Хйунхо мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, фаол ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли стратегик ҳамкорларидандир. Икки давлат ўртасида савдо алоқалари борасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Ўзбекистон иқтисодиётига мазкур мамлакат томонидан киритилган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда Корея Республикасининг 78 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси, ушбу мамлакат сармоядорлари иштирокида тузилган 418 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғкон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қулай сармоявий муҳит кўплаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармон доираларининг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. Жанубий кореялик бизнес вакилларининг фаол иштироки натижасида юртимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Сурғил" кони негизида Устюрт газ-кимё комплекси барпо этилмоқда, Тошкент вилоятида тўқимачилик мажмуаси ташкил қилинмоқда.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан, — деди Ан Хйунхо. — Икки томонлама муносабатлар савдо, иқтисодиёт, сармоя, нефть-газ, кимё, машинасозлик каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Мамлакатларимиз бизнесменлари ҳамкорлигида қатор истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида кореялик ишбилармонлар фаол иш юритаётгани ўзаро ҳамкорлик изчил тараққий этаётганидан далолатдир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Форумда Корея Республикаси ишбилармонлари мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Жиззах" ва "Ангрен" махсус индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар, Жанубий Кореянинг мамлакатимизда муваффақиятли иш юритаётган компаниялари фаолияти билан атрофлича таништирилди.

— Ташкилотимиз иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланади, — дейди "UBI Group", "UBI Soft", "UBI Capital Group" компаниялари президенти Галлант Аллен (Корея Республикаси). — Ўзбекистон сармоя киритиш учун жуда қулай мамлакат. Хусусан, "Ангрен" махсус индустриал зонасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилгани эътиборга молик. У ерда юксак технологияли корхоналарни ташкил этиш, мамлакатингизда сайёҳлик соҳасидаги йирик лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиш тарафдоримиз.

Бизнес-форум якунида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Корея Республикаси халқаро савдо уюшмаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат тадбиркорлари ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Меҳмонлар ташриф доирасида "Ангрен" махсус индустриал зонасида ҳам бўлди. "Ангрен қувур", "Ангрен шакар" заводлари, диодли ёруғлик лампалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "EGL-NUR" корхонаси ҳамда "Ангрен" халқаро логистика маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
ЎзА мухбири

# Ютуқлар кадрларга боғлиқ

**➢ «Ёш адолатчилар» қаноти**

Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларида, ушбу соҳага тегишли 22 та қонунда ўз ифодасини топган. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама — жисмонан, маънан ва руҳан баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Айни пайтда бу борада кўплаб мақсадли давлат дастурлари ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.



Ўз олдига интеллектуал салоҳияти юқори, ватанпарвар, ташаббускор ёшларни ортидан эргаштиришни мақсад қилган Ўзбекистон "Адолат" партияси «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам зиммасидаги масъулиятни адо этиш учун астойдил бел боғлаган. Бугун Сирдарё вилоятида қарийб 3500 нафар аъзони ўз сафларига жипслаштирган «Ёш адолатчилар» қаноти ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида ғоявий ташвиқот-тарғибот тадбирларини сифат жиҳатдан таъминлашга ҳаракат қилаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида "Мамлакат сиёсий ҳаётидаги ёшларнинг ўрни ва партия ёшларининг етакчилик маҳоратини шакллантириш", "Юртимизда тинчлик, тотувлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган фаол ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлаймиз", "Соғлом оила – жамият тараққиёти пойдевори", "Ёшлар — келажак пойдевори", "Ёшлар — тинчлик тарафдори", "Огоҳлик — давр талаби" каби бир қанча мавзулардаги тадбирлар ўтказилди. Уларда 1300 нафардан ортиқ ёшлар ва партия фаоллари иштирок этди.

Гап тадбирда эмас, унинг таъсирчанлигида. Сабаби, бугунги кун талабидан келиб чиқадиган бўлсак, замонавий билимларга, ўз мустақил фикрига, кенг дунёқарашга эга, ҳаётда аниқ мақсадни кўзлаган, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмунини теран англайдиган, интеллектуал салоҳияти юқори, ватанпарвар, ташаббускор, фидойи авлод вакилларини зерикарли ва мақсадсиз маърузалар билан ўзимизга жалб эта олмаймиз.

Демак, ўз фаолиятимизни танқидий жиҳатдан кўриб чиқиб, хато-камчиликларимизни таҳлил этишимиз ҳамда улардан жамиятнинг ва партиянинг бир бўғини сифатида ўзимизга тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим. Ана шундагина мавжуд имкониятларимиз ва ишимизнинг амалий натижаси юзага чиқади.

Бугунги кунда ёшларда халқимизга мутлақо ёт бўлган турли оқимлар ва таъсирларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда мазкур йўналишдаги ишларни ҳам талаб даражасига кўтариш зиммамиздаги устувор вазифалардан, деб биламан.

Ёшларимизнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илмфан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистонда кучли ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат тузилмалари билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур. Зеро, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига залворли масъулият юклайди, ёшларимиздан халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этади.

Шу каби мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, вилоят партия кенгаши "Ёш адолатчилар" қанотининг яқинда ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида йўл қўйилган камчиликлар таҳлил этилди, "Соғлом бола йили"даги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳар бир тадбир, семинар, сиёсий ўқувни янгича мазмун ва руҳда ўтказишга, ёшлар билан ишлашда замонавий интерфаол усуллардан фойдаланишга, ёшлар учун фойдали ва қизиқарли лойиҳаларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир фаол аъзоимиз ёшлар олдида турган муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши ва бартараф этиш йўллари, усулларини қидириб топиши, ишсизлик сингари ижтимоий муаммони ҳал этишда ёрдам бериш юзасидан доимий иш олиб бориши лозим. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг шакл ва усулларини излаш ҳамда такомиллаштиришга, жамиятнинг маънавий барқарорлигига путур етказишга қаратилган ҳар қандай бузғунчи ғоялардан уларни ҳимоя қилиш борасидаги ишлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

Барчамизга яхши маълумки, кадрлар тайёрлаш, уларни ўқитиш ҳамма вақт ва ҳар қандай жамият ёки давлат тузилмаси, ҳар қандай ташкилот учун асосий масалалардан бири бўлиб келган. Демоқчиманки, партиямизнинг ёш фаоллари учун депутатларни, салоҳиятли эксперт ва нотиқларни жалб этган ҳолда сиёсий ўқувлар таъсирчанлигига эътиборни ошириш лозим. Чунки кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимисиз сиёсий партия яшаб кета олмайди. Ҳеч бир маъмурий ресурс, ҳеч қандай маблағ барча соҳада саводхон, тайёргарлиги пухта кадрлар таркибининг ўрнини босишга қодир эмаслигини унутмаслик керак.

**Миразиз ҲАЛИЛОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
"Ёш адолатчилар" қаноти раиси

ADOLAT
№ 8 (969) 2014-yil
28-fevral, juma

# Ҳудудий партия ташкилотларида



## Қуйи бўғиндаги самарали изланишлар

### ҳудудий ташкилотлар фаоллигини оширади

**➢ БПТ — партия таянчи**

...Ўша кунги йиғилишдан кейин улар ўзларини кўпдан буён ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топгандек бўлишди. Ҳаттоки, баъзи бир ўқитувчилар: "Адолат" бизбоп партия экан, унга албатта аъзо бўламиз", — дея кўнгилларига тугиб қўйишди. Улар анчадан бери бу партиянинг фаолияти билан қизиқиб юришарди. Жойларда ўтказаётган тадбирларини телевидение орқали кузатиб боришарди. Четдан билдирилаётган фикрларга қулоқ тутишарди. Аммо минг бор эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал, деб бежиз айтилмаган экан.

Ишхоналари жойлашган «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Ўзбекистон "Адолат" СДП Чилонзор туман кенгаши фаоллари партия дастури, ғоялари, мақсад ва вазифалари мавзуида очиқ мулоқот ўтказганидан кейин улар бу сиёсий куч ҳақида етарли даражада тасаввурга эга бўлишди. Ватан тараққиёти, юрт равнақи учун бел боғлаган "Адолат" социал-демократик партияси уларга манзур бўлди. Партия сафида бўлиб, унга ўз тақдирларини боғлашга қарор қилишди.

— Ҳаётимиздаги ўзгаришларга сабабчи бўлган тадбирдан кейин бирданига 21 нафар педагог "Адолат" СДПга аъзо бўлди, — дейди маҳалла қошида ташкил этилган БПТ раиси Шаҳноза Икромова. — Ўз ишларимиздан ортиб, партия масалалари билан ҳам шуғулланишга, қуйи бўғинда унинг салоҳиятини оширишга, нуфузини кучайтиришга имконият топдик.

Партия сафларида бўлиб, "Адолат" СДП ғояларини ҳаётга жорий этишга бел боғлаган бу маслакдошларнинг ҳаммаси пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 182-умумтаълим мактабида ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан шуғулланади. Таълимдаги ислоҳотларга қанот бағишлаётган сафдошларнинг кимлигини, нималарга қодирлигини билиб олиш учун жамоа эришаётган ютуқларга бир назар солишнинг ўзи кифоя қилади. Жамиятга фойдаси тегадиган, ҳар томонлама етук, мустақил фикрлай оладиган баркамол авлодни шакллантиришни педагогик жамоа ўзининг асосий мақсадига айлантирган.

Изланувчан жамоанинг замонга ҳамнафас иш юритиб, янгиликларни кенг қўллаётганлиги, дарс ўтишнинг интерфаол, самарали усулларидан унумли фойдаланаётганлиги боис ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб боряпти. Билимларни пухта эгалламоқда. Биргина шу ўқув йилининг ўзида Шахобиддин Маликов, Диёра Акбархўжаева, Фарангиз Тошпўлатова, Лазиза Акбархўжаева каби умидли ёшлар туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашди.

— Ўқув даргоҳимиздан қобилиятли ўқувчилар етишиб чиқаётганлигидан фахрланамиз, — дейди мактаб директори ўринбосари, "Адолат" СДП аъзоси Нигора Бобожонова. — Улар албатта ишончимизни оқлашади. Юртимизга муносиб фарзанд бўлиб етишади.

Мактабда инглиз тили, она тили ва адабиёти фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган. БПТ раиси, инглиз тили ўқитувчиси Шаҳноза Икромова шу синфларда ўқувчиларга сабоқ беради. Хорижий тилни ўз она тили каби чуқур ва пухта ўрганаётган бахтиёр ўғил-қизларнинг салоҳиятидан қувонади.

— Дунёда давлатлар, турли миллат ва элатлар кўп, — дейди у. — Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам болалар мактабга қатнайди, билим олади, деб бўлмайди. Шундай мамлакатлар борки, фарзандларини ўқитишга қурби етмайди. Миллионлаб болалар савод нималигини билмай ночор аҳволда улғаяди. Шукрки, болапарвар юртимизда фарзандлар камоли, бахту иқболи учун ҳамма шароит муҳайё этилган.

Бугун партия сафларида туриб ёш авлодни камол топтираётган ўқитувчилар орасида Саодат Мукаррамова, Шаҳло Раҳмонова, Мунисхон Абдужабборова, Иван Успенский, Дилбар Сатторова, Феруза Маматова каби ўз ишининг фидойилари бор. Улар ўз меҳнатлари маҳсулини фарзандлар камоли, бахту иқболида кўришни хоҳлашади.

Қуйи бўғиндаги самарали изланишлар ҳудудий ташкилотлар фаоллигини оширади. Ҳозирги кунда БПТга Чилонзор туман партия кенгаши раиси Мўминжон Эрматов тез-тез ташриф буюрадиган бўлиб қолган. Чунки янги сафдошлар ҳамжиҳатликда ишлаб, қисқа фурсат ичида ўзларини кўрсатишга, бошқаларга ибрат бўлишга эришдилар. Мазкур ташкилот ўтган йили Ўзбекистон "Адолат" СДП қуйи бўғинлари ўртасида республика бўйича биринчи ўринни қўлга киритиб, энг намунали БПТ, деб топилди. Бу йил эса яна 9 нафар ўқитувчи партия сафига қўшилиши натижасида аъзолар сони 30 нафарга етди. Ташкил этилганига ҳали бир йил бўлмай туриб шунча ишларни қилиб улгурган қуйи бўғиннинг тажрибаси туманнинг бошқа бошланғич ташкилотларида ҳам оммалашмоқда.

Қуйи бўғин аъзолари ва атрофдаги маҳаллалар фаоллари иштирокида Президентимиз маърузалари, қарор ва фармонлари, янги қонунлар мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-семинарларни тез-тез ўтказиш анъанага айланган. Шу сабабли БПТ аъзолари сафи жамиятимизнинг илғор фикрли, интилувчан, ташаббускор вакиллари ҳисобига кенгаймоқда.

Партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, уларни партиянинг юқори органлари қарор ва фармойишлари ҳамда кўрсатмалари билан мунтазам таништириб бориш мақсадида бошланғич ташкилот хоналари партиянинг имижига мос равишда жиҳозланиб, намунали БПТга айлантирилган.

Дарҳақиқат, тузилманинг партия мақсад ва вазифалари, сиёсий соҳадаги фаолияти, депутатлар томонидан кўрсатилаётган ташаббусларни кенг жамоатчиликка етказиб беришда жонбозлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, ўтган давр мобайнида БПТ томонидан партия электорати манфаатларини таъминлашга, мақсад-вазифаларини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган «Сиёсий партия ва сайловчилар», «Сиёсий жараёнларда ёшларнинг ўрни ва роли», «Мақсадимиз — эл тинчлиги, халқ фаровонлиги» каби бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар ташкил этилди. БПТ томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали ишлар йўлга қўйилган. Айниқса, бу борада бир қатор тадбирлар, учрашувлар, маънавий-маърифий йиғинлар ташкил этилмоқда.

Ҳа, бугун қай бир сиёсий партия давлат, жамият олдида ўзини кўрсатишга, янги-янги қонун лойиҳалари, ташаббуслар билан чиқишга ҳаракат қилса, сиёсий жараёнларда фаоллик кўрсатса, ушбу партиянинг электорати кенгайиб, аъзолар сони ортиб бораверади. Бу борада эса, юқорида таъкидлаганимиз каби партиянинг қуйи тизими ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами алоҳида аҳамиятга эга.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
"Adolat" мухбири

## Фаоллар сиёсий ўқувда тобланади

**➢ Сиёсий ўқув**

Ҳар бир сиёсий партиянинг мавқеи, унинг олиб бораётган фаолияти, сайловчилар манфаати йўлидаги саъй-ҳаракати партия фаоллари, аъзоларининг ташаббускорлигида яққол намоён бўлади. Айниқса, бу борада партиянинг қуйи тузилмалари ҳисобланган туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларининг аҳамияти беқиёс. Зеро, туман партия кенгашлари "Адолат" СДП ғояларини, унинг мақсад-вазифаларини сайловчилар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилса, БПТлар партия сафини янги аъзолар билан тўлдиради.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир сиёсий партиянинг негизи ҳисобланади. Уларнинг мавжудлиги ва самарали фаолияти партия ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, БПТлар сони қанчалик кўп бўлса, партия ривожланиши осонлашади, аъзолари сони ошиб бораверади.

Тан олиш керакки, номигагина бошланғич партия ташкилоти тузиб, ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмай келаётган туман кенгашлари ҳам йўқ эмас. Бироқ, ўзининг фаолияти, аъзолари сони билан ҳатто туман кенгашларига ҳам ўрнак бўлаётган бошланғич партия ташкилотларининг мавжудлиги айни ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан ташкилий қурилишни такомиллаштириш ҳамда бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва фаолларининг билимларини ошириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган сиёсий ўқувларни янада юқори босқичга кўтариш давр талабига айланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда Жиззах вилояти партия кенгаши ташаббуси билан "Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш" мавзуида ташкил этилган, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, ФЖШМҚМИ вакиллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТ фаоллари иштирок этган сиёсий ўқувда шулар хусусида сўз борди.

Вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиев сиёсий ўқувлар принципиал жиҳатдан партия аъзоларининг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

— Ҳаётнинг ўзи биздан масъулият ва изчилликни талаб этади. Сайловолди дастурларимизда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошира олсак, "Адолат" партиясининг обрў-эътибори юксалади, — дейди Р.Тўйчиев. — Бизга номигагина расмиятчилик учун ўтказиладиган ўқув тизими керак эмас. Бугун ҳар бир юртдошимиз ўз атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни теран англаши, унинг моҳиятини тушуниши лозим. Чунки дунёга кўзни каттароқ очиб қараш лозим бўлган замонда яшаяпмиз. Шу маънода партия фаолларининг сиёсий таълими шунчаки тадбир бўлмай, балки профессионал ўсиш имконияти ҳамдир. Бу ўқув шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш имконини берадиган муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувларга мамлакат тараққиётининг жуда муҳим вазифаларини ҳал этишга қодир, келгуси авлодлар тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган истеъдодли, истиқболли юртдошларимизни таклиф этишимиз ва бундай кишиларни топа билишимиз лозим.

Сиёсий ўқувда таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятда қуйи ташкилотлар сони атиги 76 тани ташкил қилади. Улар ўз атрофига жами 3100 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Албатта, бу барча вилоят партия кенгашлари орасида энг паст кўрсаткич. Ушбу натижа фаолиятга танқидий нуқтаи назар билан ёндашишни, кадрлар захирасини сиёсий фаол, етук, ташаббускор инсонлар билан тўлдиришни, ғоявий-сиёсий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, одамлар орасига чуқурроқ кириб боришни, фаоллар ва депутатлардан, БПТ аъзоларидан ташаббускор бўлишни тақозо этади.

Таъкидланганидек, бошланғич ташкилотлар жойларда партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда электоратни ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Қаерда иш шундай ташкил этилган бўлса, ўша ерда бошланғич ташкилотнинг нуфузи ошади, партия ташкилотининг фаолияти ҳам самарали бўлади. Шу боис ҳам бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Ташкилий-партиявий ишлар бўлими партиявий ўқувларни ташкил этиш сектори мудири Музаффар Ҳайитов партия ўқувининг кўпбосқичли тизимини йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

— Олдимизда турган вазифа — тингловчиларни услубий материаллар билан тўлиқ таъминлаш, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва икки томонлама алоқани йўлга қўйишдан иборатдир, — деди маърузачи. — Минтақалардаги партия ўқуви билан вазиятни доимий равишда мониторинг қилиб бориш зарур. Чунки, айнан минтақалардаги партия ўқуви юртдошларимиз орасига кириб борадиган тарғиботчи ва ташвиқотчилардан иборат улкан гуруҳни тайёрлашга имкон беради. Фуқаролар билан алоқамиз самарадорлиги айнан ана шундай вакилларимиз фаолиятига боғлиқ.

Партия ҳудудий тузилмалари ҳаракати муваффақиятини баҳолашдаги асосий мезон партиянинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини оммага самарали тарзда етказиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларини профессионал жиҳатдан ўрганиш, фуқаролар муаммоларини ечиш учун фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиш ва ишга тушириш йўли билан ўша муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашишдан иборатдир. Биз партиянинг дастурий вазифалари аҳоли барча қатламларининг ижтимоий онгига етиб бориши, фуқароларнинг мафкуравий иммунитети мустаҳкамланиши, партия обрўйини сақлаш учун мафкуравий ва ахборот-тарғибот ишларини замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланган ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда кучайтиришни давом эттиришимиз лозим.

Айни пайтда БПТ етакчилари ижтимоий масалаларни ўрганиб, уларнинг натижаларини юқори партия ташкилоти ва партия гуруҳлари доирасига олиб чиқса, депутатлар кенгашлар сессиялари муҳокамаларига масалалар киритиши учун асос бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси уларнинг таклифларини қонунларда акс эттириш учун курашади. Демак, бошланғич ташкилотлар фаоллигини кучайтириш орқали партиянинг жамиятдаги таъсир кучи ошади. Шу маънода "Адолат" партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан 2014 йилнинг партия тизимида "Бошланғич партия ташкилоти йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас.




**Улуғбек ЗУФТАРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Жиззах вилояти кенгаши
матбуот котиби

## Шифо масканлари қуёш энергиясидан чароғон

**➢ Партия дастурлари амалда**

— Вақт ўтган сайин одамларнинг ўзлари инновацион ишлаб чиқариш афзалликларини тобора чуқур англаб етишмоқда, — дейди "Адолат" СДП Янгиқўрғон туман кенгаши раиси Дилафруз Тўхтасинова. — Бу ўринда Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони туфайли нафақат йирик аҳоли масканлари, шаҳарлар, балки чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам муқобил энергия манбаларига бўлган эътибор ва эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Сўзим қуруқ бўлмасин учун бир мисол: туманимиздаги Нанай қишлоғи вилоятимиздаги энг чекка қишлоқ ҳисобланади. Айни пайтда мазкур қишлоқда жойлашган участка шифохонасининг болалар, тез тиббий ва туғуруқ бўлимлари муқобил энергия манбаси — қуёш электростанцияси ёрдамида чароғон этилмоқда.

Дарҳақиқат, Наманган вилоятида қуёш батареялари ёки муқобил энергия манбаларининг бошқа турларидан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Масалан, Чортоқ туманидаги "Чортоқ ипаги" кўп тармоқли фермер хўжалигида хўжаликнинг иссиқхона тармоғини биогаз орқали иситиш йўлга қўйилган бўлса, мазкур туманда жойлашган Деҳқонобод маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ врачлик пункти биноси шамол энергияси ёрдамида ёритилмоқда. Худди шунингдек, қуёш батареяси ускуналари Наманган туманида қуриб битказилган 6 та намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойларга ҳам ўрнатилди. Бундай батареялардан вилоят руҳий асаб касалликлари шифохонасида, Тўрақўрғон туманидаги 8-, Уйчи туманидаги 16-мактабларда самарали фойдаланилмоқда.

— Нанай қишлоғидаги шифохонамизга ўрнатилган электростанция суткасига 15 квт электроэнергия ишлаб чиқаради, — дейди Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Лайло Аҳмедова. — Бу кучланиш шифохона эҳтиёжини керагидан ортиқ қоплайди. Муҳими, қуёш электростанциясининг камхаржлиги ва атроф-муҳит учун мутлақо безарарлиги эътиборга молик. Келгусида бирлашма бўлимларини ҳам худди шундай электростанциялар билан таъминлашни режалаштиряпмиз. Зеро, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ**

# Инсон ҳуқуқи

## бола ҳуқуқидан бошланади

**➢ 2014 йил — Соғлом бола йили**

Фарзанд — оила қувончи, жамият асоси. Унинг соғлом, илмли ва баркамол бўлиб улғайиши давлатимиз сиёсатининг эзгу мақсадларидан биридир. Мамлакатимизда жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ҳам, бежиз эмас.



Дарҳақиқат, оилалардаги хотиржамлик, фарзандларимизнинг соғлом, маънавий етуклиги, улар ҳуқуқлари таъминланишига риоя этилиши эртанги кунимиз ривожини кафолатлайди.

Бир кун кўчада 12-13 ёшлар чамасидаги қизчаларнинг жамоат жойида очиқчасига сигарет тутатиб, ҳар хил ножўя ибораларни ишлатиб, суҳбатлашаётганларига кўзим тушди. Бу алфозда уларнинг қандай камол топиши ҳақида ўйладим. Мен бунда ҳеч қачон бу жажжи қизчаларни айбламайман, улар мисоли ниҳол, қандай эксанг, шундай ўсиб кетаверади. Мен ўзимизни, катталарни айблайман, бу бизнинг лоқайдлигимиз оқибатидир. Ваҳоланки, ота-она болани нафақат моддий таъминлаши, балки Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасида кўрсатилганидек, ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик ҳам қилишлари шарт.

Ушбу йўналишнинг ҳуқуқий томонига эътибор қаратадиган бўлсак, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Оила кодекси ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган. Уларга мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Бу ҳуқуқни амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Бола тарбияси менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ва эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак. Акс ҳолда ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ўртада келишмовчилик мавжуд бўлса, муаммони ҳал қилиш учун улар васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши лозим.

Оила кодексининг 68-моддасида ва "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясининг 12-моддасига кўра, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади. Соғлом бола эса маънавий ва жисмонан соғлом оилада камол топади. Шундай экан, жисмонан ва маънан етук инсон тарбиясида ота-она фарзандга ўрнак бўлиши лозим.

**З.АҲМЕДОВА,**
Самарқанд шаҳар 2-сон ФҲДЁ бўлими мудираси

**Сўранг, жавоб берамиз!**

# Сиёсий маданият

*Матбуот ва ОАВда сиёсий маданият иборасига кўп бора дуч келамиз. Сиёсий маданият тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида маълумот берсангиз.*

*Д.Иброҳимов, Фарғона вилояти*

Сиёсий маданият ижтимоий воқелик сифатида синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Шу билан бирга сиёсий ҳаёт маданияти синфларнинг юзага келишидан аввал қадимги Шарқда, антик Греция ва Римда шаклланган. Сиёсат, давлат, сиёсий хулқ-атвор, сиёсий ҳаётни бошқариш санъати ҳақидаги билимларнинг пайдо бўлиши ва улардан жамият ҳаёти амалиётида фойдаланишга сиёсий маданиятнинг юзага келганлиги сифатида қараш керак. Афлотун, Арастунинг озодлик ва давлат ҳақидаги фикрлари, Н.Макиавелли, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссонинг турли мазмундаги ижтимоий ғоялари сиёсий маданиятнинг шаклланишига асосий туртки бўлган.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англашга унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқалигина эришилади. Фақат шу орқалигина сиёсий тизимнинг манбаи характери ва ўзига хос хусусиятлари, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги, сиёсий жараёнларнинг йўналиши ва ҳаракати ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Сиёсий маданият одамларнинг хулқ-атворига ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ҳодисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо бериш мезони ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўлларини очиб беради.

Сиёсий маданият муаммоси мажмуи ўта мураккаб ва кўп қирралидир. У маданият ва маънавий маданиятлар билан бир қаторда ўзига хос мустақил маданият туридир. У фаолият соҳасининг алоҳидалиги (сиёсат соҳаси, сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиши) ва ушбу маданият соҳасини характерловчи элементларнинг (сиёсий тасаввур ва қадриятлар, сиёсий кўрсатма ва хулқ-атвор) ўзига хослиги билан белгиланади.

Сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларига сиёсий онг, сиёсий қадриятлар, сиёсий кўрсатма, сиёсий хулқ-атвор, сиёсий белгилар, рамзларни киритиш мумкин.

Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Биринчидан, сиёсий маданият жамиятда ва миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу вазифанинг мазмуни ижтимоий-сиёсий формасининг ривожланиши, жамият тараққиёти даражасига қараб ўзгаради. Иккинчидан, сиёсий маданият синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллий ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва қайта ўзлаштириш вазифасини бажаради. Бу вазифани амалда татбиқ этиш билимларни ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фикрлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа сиёсий кучларнинг фаолиятини чуқур англаб етиш билан боғлиқ. Учинчидан, сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини ўтайди. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлимини таъминлайди. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. Тўртинчидан, сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксак, мақсадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни, фуқаролик масъулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларни шакллантиради. Бешинчидан, сиёсий маданият алоқа вазифасини амалга оширади. Бунда у фуқаронинг сиёсий тизим ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаси шакли сифатида намоён бўлади. Бу вазифани амалга оширишда таълим, тарбия тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. Олтинчидан, сиёсий маданият олдиндан айтиб бериш вазифасини бажаради.

Сиёсий маданиятга хос талабларга қуйидагилар киради:

- жамиятдаги воқеа, ҳодисаларга босиқлик билан муносабатда бўлиш;
- воқеа, ҳодисаларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилиш.
- воқеа, ҳодисаларга нисбатан объектив ва адолатли муносабатда бўлиш;
- шахсий фикрни давлат, бошқа сиёсий ташкилотлар фикридан устун қўймаслик;
- давлат тили ва сиёсати, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига ҳурмат билан қараш.

Сиёсий маданият юқори онглилик, маънавий бойлик маҳсулидир. Сиёсий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият даражаси ҳам юқори бўлади.

Саволга ФЖШМҚМИ эксперти **Ш.АТАДЖАНОВ** жавоб берди.

# Видеоқароқчилар

**➢ Адолат тарозиси**

Замонавий технологияларнинг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ахборотнинг кенг қамровда қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аммо танганинг иккинчи томони бўлгани каби, замонавий ахборот технологияларидан мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринувчи кимсалар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, бугун мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган фильмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб сотаётган видеоқароқчилар муаллифликка оид ҳуқуқларни қўпол равишда бузаётганликларини ёки бўлмаса хорижнинг ур-йиқит, шовқин-суронли ва баъзида беҳаё фильмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий путур етказиш мумкинлигини билишармикан?

Тошкент вилояти божхоначилари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган фильмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб, муаллифликка оид ҳуқуқларни қўпол равишда бузаётган видеоқароқчиларга қарши мунтазам чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Хусусан, қўшни давлатдан мамлакатимизга ўтиш учун "Ғишт-кўприк" чегара божхона комплексига кириб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Л.Марковада ўзи томонидан тўлдирилган Т-6 шаклидаги божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона инспекторининг оғзаки сўрови вақтида айтилмаган 227 дона хорижий видео фильмлар ёзилган контрафакт DVD дисклар борлиги аниқланган.



Яна бир шунга ўхшаш ҳолатда Россия Федерациясидан қўшни давлат орқали юртимизга юқорида келтирилган божхона масканига келаётган фуқаро Ш.Ибрагимова божхона декларациясида ўзига тегишли жами 160 дона кино ва мусиқалар ёзилган контрафакт DVD дисклар борлигини қайд этишни гўё "унутиб қўйган".

Шунингдек, Қозоғистон Республикасидан "Ғишт-кўприк" чегара божхона комплексида фуқаро А.Тоғаев ўзи томонидан тасдиқланган Т-6 божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона инспекторининг оғзаки сўрови вақтида айтилмаган "Lenovo" номли ноутбук хотирасига ёзилган 249 дона порнографик мазмундаги видеотасвирли электрон файллар борлиги аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2013 йилдан шу кунга қадар Тошкент вилояти божхона ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлар давомида аниқланган 80 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида салкам 2400 дона аудио-видео кассета ва турли форматдаги дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қуйилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Тошкент вилояти Божхона бошқармаси ахборот хизмати**

Reklama

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома**

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг танлов савдоси натижалари.

1. 2014 йил 17 февралда Ғиждувон тумани Сармижон ҚФЙ Оқгул аҳоли пункти ҳудудидан савдо дўкони ва автобекат қуриш учун мўлжалланган 130.0 кв.мдан бошланғич қиймати 51 496 сўмдан бўлган ер участкаси 150 000 сўмга сотилди.

*Лицензия RR-0048*

# Уч қўйини деб

## бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлган нафс бандалари

**➢ Жиноят ва жазо**

— Йигитлар, бугун ишимизни "Думалоқ" қишлоғидаги Аҳмад аканикидан бошлаймиз! — Фаррух Рўзиев гузарда тўпланган ҳамтовоқларига режасини айтди. — Унинг молхонасида миллион сўмлик буқа боқилаяпти. Бугун барча оила аъзолари тўйга кетишган, уйда фақат кичик ўғил қолган.



Ярим кечаси Баҳодир Пўлатов билан Даврон Алиев Ботир Маъдиевнинг "Нексия"сида айтилган манзилга — Бўстонлиқ тумани "Думалоқ" қишлоғига кириб боришди. Эътиборни тортмаслик учун машинани мўлжалдаги уйнинг берироғида қолдиришди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилишгач, Баҳодир девор оша ҳовлига тушди-да, дарвозани очди. Даврон билан Ботир ҳам киргач, фонар ёруғида буқани топишди.

Учовлон буқани тўғри мол бозорига олиб боришди. Бозор баҳоси 1 миллион 200 минг сўмлик буқани номаълум кимсага 380 минг сўмга пуллашди.

Режаси иш берганидан ва осонгина топилган даромаддан суюнган Фаррух энди маҳалла ва қишлоқларни, кимсасиз дала ҳовлиларни оралаб кезиб юрар, қаерда ўғирлашга арзигулик нарса кўрса, уни гум қиларди. Ана шундай сафарлари давомида у Бўстонлиқ тумани "Учтерак" қишлоғи ҳудудида жойлашган "Дўстлик" дам олиш оромгоҳидаги молхонада қоровул Козимжон Турдиевга тегишли бўлган моллар борлигидан хабар топди. Оромгоҳ атрофини обдон айланиб чиқиб, ўғирликни амалга оширишнинг йўлларини излади, ҳатто ҳамтовоқларнинг сонини ҳам кўпайтириш кераклигини унутмади. Сал ўтиб, ғирт бекорчи Шойим Зиёев, Ойбек Бобоев, Абдулло Мирмуҳсинов ва... Гулноза Темировалар унинг сафига қўшилишди.

Қулай фурсат топишгач, Фаррух бошчилигидаги гуруҳ "Дўстлик" оромгоҳига кириб боришиб, Козимжон Турдиевга тегишли бўлган 4 миллион сўмлик бир бош буқани ўғирлашга муваффақ бўлишди. Шу ердан ўтган эски йўл устида буқани сўйишиб, ушбу мол гўштини Тошкент шаҳридаги "Чорсу" бозорига 1 миллион 300 минг сўмга пуллашди.

Сал ўтмай, Юқоричирчиқ туманидаги яшовчи Салим Умировнинг молхонасидаги 1 миллион 300 минг сўмлик бир бош буқа ҳам ушбу гуруҳ томонидан ўғирланиб, 750 минг сўмга сотиб юборилди. Шунингдек, улар Бўстонлиқ тумани, "Сойлиқ" қишлоғидан Комил Темировнинг 1 миллион сўмлик икки бош қўйини ўғирлашиб, 540 минг сўмга сотиб юборишди. Тамаддихона олдида турган, фуқаро Жалол Қурбоновга тегишли нархи 200 минг сўмлик "Урал" русумли велосипедни ҳам то эгаси овқатланиб чиққунича шу гуруҳ аъзолари ўғирлаб кетишди.

Навбатдаги жиноий режа Бўстонлиқ тумани, "Енбек" қишлоғи ҳудудидаги фуқаро Ж.Парпиевнинг дала ҳовлисидаги уч бош қўйни ўғирлашга қаратилди. Шойим, Баҳодир ва Ойбеклар тунги соат 10 да бу жойга етиб келишиб, симдан тўқилган панжарани асбоб билан кесиб ичкарига киришади. Бироқ бир бош қўйни олиб чиқиб кетишаётганда 65 ёшли қоровул Азим Аҳмадов уларни кўриб қолади. Жиноятчилар ўғирликни яшириш мақсадида қоровулни ўлдириш учун унинг ортидан қувишади. Етиб олишгач, Баҳодир Азим Аҳмадовнинг орқа томонидан бўғиб, ерга ётқизади, Шойим эса турли жойларига тепади ва бош кийимини оғзига ёпиб, Отабек узатган каноп ип билан унинг оғзини маҳкам боғлаб ташлайди. Қийноқларга чидолмаган чол сал ўтмаёқ жон беради. Жиноятчилар жасадни ёқиб юборишади.

Шундан сўнг учовлон ўғирлик ҳаракатларини давом эттирган ҳолда, совуққонлик билан энди биратўла уч бош қўйни ўғирлаб чиқишиб, сотиб юборишади.

Бузоқнинг қочгани сомонхонагача, деб бежиз айтилмаган. Мазкур уюшган жиноий гуруҳнинг ҳам фаолияти фош бўлиб, жиноятчилар — Фаррух Рўзиев, Баҳодир Пўлатов, Даврон Алиев, Ботир Маъдиев, Шойим Зиёев, Ойбек Бобоев, Абдулло Мирмуҳсинов ва Гулноза Темироваларнинг ҳар бирига қонун доирасида жазо тайинланди.

Ҳа, ота-боболаримиз ҳалол меҳнат билан ризқ топиш, фарзандларни ҳалол луқма билан боқиш зарурлиги ҳақида бот-бот таъкидлашгани бежиз эмас. Чунки фақат ҳалоллик кишини улуғлайди, элу юрт ҳурматига сазовор этади. Бу ҳикматни ҳамиша ёдда тутиш лозим.

**Исматулла МАМАНОВ,**
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси
**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
журналист

ADOLAT
№ 8 (969) 2014-yil
28-fevral, juma

# «Трастбанк» янги лойиҳалар мададкори

20 TRASTBANK YIL

Молия-банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Натижада тижорат банкларининг ресурс базаси кенгайиб, йил сайин мустаҳкамланяптики, бу ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Республикамиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — "Трастбанк" хусусий очиқ акциядорлик биржа банки ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ривожига салмоқли ҳисса қўшаяпти.

Дарҳақиқат, жорий йилда ташкил этилганига 20 йил тўладиган мазкур банк ўтган давр ичида молиявий хизматлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб, ўзигагина хос бўлган иш услубини яратиш, маркетинг сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга эришди. Бу фаолият кўламини тобора кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Бугунги кунда 9 та филиали, 44 та минибанки орқали сифатли хизматлар кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, банкнинг 102 та офис идораси ишга туширилиши эвазига мижозлар сони 100 мингдан ошди. Улар орасида республикамиздаги йирик компаниялар ва акциядорлик жамиятлари борлиги эътиборга моликдир.

Ўтган 2013 йил айниқса, "Трастбанк" фаолиятида жадал ривожланиш даври бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган "BANKEXPO — 2013" кўргазмасида "Тадбиркорнинг энг яхши ҳамкори ва таянчи" номинациясида биринчи ўринни эгаллагани, VI Халқаро Тошкент инвестициявий-молиявий форумида эса "Йилнинг энг яхши хусусий банки" номинациясида ғолибликни қўлга киритгани бунинг амалий тасдиғидир.

Таъкидлаш кераккки, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш банк жамоасининг диққат марказида бўлди. Унда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, кредит маблағларининг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес ва ҳунармандчилик соҳасига, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадларига йўналтирилди. Пировардида республикамизнинг ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларида янги корхоналар ташкил этилиб, аҳолининг бандлиги даражаси оширилди.

Президентимиз ташаббуси билан "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган 2014 йилда ҳам банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида кредитлар ҳажмини 1,3 баробарга кўпайтириш режалаштирилгани қувонарлидир.

Банк мижозларининг қуйидаги дил изҳорлари эса "Трастбанк" уларнинг ишончли молиявий ҳамкори ва таянчига айланганидан яққол далолат беради.

**Банк ахборот хизмати**

## Ҳунар, ҳунардан унар

*Давр тақозоси билан ҳунармандчиликнинг янги-янги турлари вужудга келяпти.*

*Усталар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашмоқдалар. Мен сўнгги тўрт йилдан буён кулолчиликдан ташқари, чиннидан ясалган идиш ашёларига безак бериш, уларнинг шакл-шамойили, вазифасига қараб замонавий дизайн безак бериш билан шуғулланиб келяпман. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзосиман. Бу ҳунарнинг нозик жойи шундан иборатки, чинни хомашё рангли безаклари билан бир мажмуа ҳолида ўчоққа қаланади. Худди шундай талабларга жавоб берадиган замонавий ўчоқ-хумдонни сотиб олиш учун керакли молиявий ёрдамни менга "Трастбанк"нинг "Дархон" филиали берди. Шунингдек, банк томонидан ишлаб чиқаришга зарур айланма маблағ билан уч марта таъминландим. Шунинг ҳисобидан маҳсулот тайёрлаш бошланди. Буюртмалар кўпайди. Республика рассомлик коллежини битирган қобилиятли ёшларни ёнимга олдим. Ҳар йили касбини яхши эгаллаган 2-3 нафар шогирд тайёрлаяпман. Юртимизда жорий Соғлом бола йилида шогирдларимиз билан шаҳар ва республика миқёсидаги кўргазмаларда иштирок этиш режамиз бор.*

*Барча лойиҳаларим амалга ошишида ҳам молиявий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатаётган "Трастбанк" жамоасидан жуда миннатдорман.*

**Ҳайитбой ЖАББОРОВ,**
**якка тартибдаги тадбиркор**

## Фаолиятимиз кенгайди

*Бизнес фаолиятини юритиш учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар биз, тадбиркорларни янги марралар сари руҳлантираяпти. Ўзимиздан қиёс: бундан тўрт йил аввал савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйган эдик. Асосан деҳқон ва соҳибкорлар томонидан етиштирилган нозу неъматларни улгуржи етказиб бериш билан шуғулланардик.*

*Кейинги йилларда соҳада қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилаётгани, ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳалари кам фоизли кредитлар билан молиялаштирилаётгани бизни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ундади.*

*Гап шундаки, 2013 йилда Чирчиқ шаҳрида замонавий тегирмон қуришга аҳд қилдик. Бироқ электр энергияси билан ишлайдиган тегирмон линияси биносини қуришга қўлимиз калталик қилди. Шундай бир пайтда "Трастбанк"нинг молиявий ёрдами қўл келди. Бизнес-режа тузиб, зарур ҳужжатларни банкнинг "Дархон" филиалига топширдик. Филиал жамоаси ишни пайсалга солмай, 2 млрд. сўмлик кредит ажратди. Бу маблағни тежаб-тергаб, ўринли сарфлаганимиз туфайли йил охирига келиб, 149 тонна ғаллани қайта ишлаш қувватига эга тегирмонни ишга туширдик.*

*Ҳозирги кунда корхонамизда 18 нафар киши меҳнат қилаяпти. Соғлом бола йилида фаолиятимизни янада ривожлантириб, янги иш ўринлари ташкил этиш ниятидамиз. Банкдан олинган маблағдан унумли фойдаланиб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаймиз.*

**Собир УСМОНОВ,**
**"Mister Sunrise" МЧЖ раҳбари**

## Муолажа учун замонавий ускуналар

*Бизнинг даволаш мажмуамиз 2004 йилда иш бошлаган бўлиб, пойтахтимизнинг Чилонзор ва Яккасарой туманларида жойлашган муассасалари томонидан аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Ўтган давр ичида аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш, беморларга тез ташхис қўйиш ва даволаш борасида кўплаб ижобий натижаларга эришдик. Хизматимизга бўлган талабнинг ошиши амалий тадбирлар мажмуасини янада бойитиш, технологик муолажа ишларини замонавий даражага кўтаришни тақозо этди. Бунинг учун эса, аввало, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, хориждан рентген аппарати сотиб олиш зарур эди. Ҳисоблаб кўрсак, эзгу ишларимиз рўёбига анчамунча маблағ керак бўлар экан.*

*Шунда "Трастбанк"нинг Яккасарой филиалига мурожаат қилдик. Филиал ходимлари соҳада тўплаган тажрибамизни инобатга олиб, тиббиёт ускуналари мажмуасини тўлиқ сотиб олиб келиш учун етарли миқдорда кредит ажратишди.*

*Ҳозирги пайтда жамоамиз замонавий ускуналар ёрдамида юзлаб қариялар, ёшлар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида бор имкониятини ишга солиб, фаол меҳнат қилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, жорий йилда ҳам банк билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, фарзандларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришамиз, албатта.*

**Амина РАШИТ,**
**"Najod Shifo" МЧЖ директори**

Reklama

# Мижоз манфаати йўлида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 22 ноябрдаги лицензияси асосида фаолият юритаётган «Invest Finance Bank» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки йирик корпоратив мижозларга, кичик бизнес субъектларига ва аҳолига универсал банк сифатида хизматлар кўрсатиб келмоқда.

«Invest Finance Bank» шу жумладан, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор йирик ва социал характерга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда кредит ажратиш йўли билан иштирок этяпти. Бундан ташқари, банк кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш ишига ҳисса қўшишга катта аҳамият қаратмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ишбилармон аёллар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳам «Invest Finance Bank» ХОАТБ эътиборида.

Банк томонидан 2013 йил якунлари бўйича ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ, сервис ва хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа тармоқ субъектларига жами 145,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу кредитларнинг 72 фоизи кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келади.

Бугун банк мижозлари кўрсатилаётган хизматдан мамнун.




**Акмал Аббасов,**
**«AQUA UNIPACK» МЧЖ директори:**

*— Ҳозирги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар биз каби тадбиркорлик субъектлари учун айни муддао. Шу билан бирга маҳаллий хомашёлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш жараёнига мен ҳам ўз жамоам билан ҳисса қўшаётганимиздан хурсандман. Корхонадаги мавжуд технология имкониятларини ва мамлакатимиз бозорида маҳсулотларимизга бўлган талабни чуқур таҳлил қилган ҳолда пухта тузилган бизнес-лойиҳам билан «Invest Finance Bank» ХОАТБга мурожаат қилдим. Банк томонидан лойиҳамиз молиявий қўллаб-қувватланди, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корхона айланма маблағларини тўлдириш имконияти пайдо бўлди. Яъни, «Шўртан» ГККда ишлаб чиқарилаётган полиэтилен грануласини сотиб олиш учун кредит маблағи ажратилди.*

*Мен «Invest Finance Bank» ХОАТБнинг «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори асосида фаолият кўрсатаётганига, ўзгарувчан бозор иқтисодиёти жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор амин бўлдим. Энг асосийси, бизнес-лойиҳа амалга ошиши туфайли корхонамиздаги иш ўринлари нафақат сақланиб қолди, балки кенгайтирилди.*

*Ишлаб чиқаришнинг қайси тармоғида бўлмасин, тадбиркор оила ва юрт фаровонлигидан манфаатдор. Бунинг ортида эса, албатта, фидокорона меҳнат ётади.*

**Василий Тимофеев,**
**«BOCHKA S MYODOM» МЧЖ раҳбари:**

*— Юртимизда шундай соҳалар борки, у табиат инъоми билан узвий боғлиқ, десам янглишмаган бўламан. Бизнинг асаларичилик йўналишидаги «BOCHKA S MYODOM» МЧЖ корхонаси фаолияти ҳам бунга мисолдир. Ишлаб чиқаришни бошлаганимга унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида аҳолининг табиий асалга бўлган талаби юқори эканлигига амин бўлдим. Фаолиятимни янада кенгайтириш ғояси пайдо бўлганида молиявий кўмакка муҳтож эканимни сездим, кредит маблағи олиш мақсадида «Invest Finance Bank» ХОАТБга бизнес-ғоям билан мурожаат қилдим. Банк мутасадди ходимларининг керакли маслаҳатларидан кейин кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни банкка тақдим этдим. Бизнес-лойиҳам «Infin bank» ХОАТБ томонидан қўллаб-қувватланди. Кредит ажратилгач, аҳолининг сифатли, табиий ва шифобахш асалга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида асалари уяларини республикамизнинг тоғли ҳудудларига жойлаштирдик.*

*Кредит олиш жараёнида шунга амин бўлдимки, «Infin bank» ХОАТБ ҳозирги даврда жадал ривожланаётган тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бераётган етакчи банклар қаторида ўзининг ҳар бир мижозига индивидуал ёндашаётганлиги билан ажралиб турар экан. Фурсатдан фойдаланган ҳолда «Infin bank» ХОАТБ жамоасига кўрсатилаётган ишончли ва сифатли хизмат учун чуқур миннатдорчилик билдираман.*

**Камалитдин Курбанбаев,**
**«KAMRAN TEKS» МЧЖ директори:**

*— Тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаган пайтда ўз маҳсулотларим билан хорижий давлатлар бозорига кириш юксак орзуларимдан бири эди. Аста-секин оёққа туриб олишда, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишимизда асосий омил республикамизда биз каби тадбиркорларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлар самараси, деб биламан. Бунда шубҳасиз, банкларнинг, жумладан, замонавий банк хизматлари билан ўз ўрнига эга бўлган «Infin bank» ХОАТБнинг алоҳида ҳиссаси бор.*

*Корхонамиз фаолиятининг кенгайиши, ишчилар сони ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз харидоргирлигида, хорижий давлатларга экспорт қилинишида «Infin bank» ХОАТБ кредитлари муҳим роль ўйнади. Банк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан корхонамизнинг молиявий фаолияти яхшиланди ва экспорт салоҳияти ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда корхонамизда меҳнат қилаётган 42 нафар ишчи-ходимлар ўз оилаларининг фаровонлиги ва юртимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.*

**Банк ахборот хизмати**

## Сўранг, жавоб берамиз!

### Алимент қанча тўланади?

Маълум сабабларга кўра, турмуш ўртоғим билан ажралиш арафасидамиз. Собиқ эрим икки нафар фарзандимизга алимент тўлаш нияти йўқлигини билдирди. Илтимос, эр-хотин никоҳдан ажралишгандан сўнг, болаларга алимент ундириш тартиби ва алимент миқдори ҳақида маълумот берсангиз.

*Г.Мамадалиева Тошкент вилояти.*

Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Саволга Юқори Чирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими 1-тоифали инспектори **Лола МУЛЛАЖОНОВА** жавоб берди.

### Мурожаатим қабул қилинмади

Яқинда туман ҳокимлигининг ваколатли шахсларидан бирига маҳалламиз ҳудудидан канализация қувури ўтказишга ёрдам беришини сўраб, телефон орқали мурожаат этдим. У киши менга "Шикоят ва таклифларингизни ёзиб келинг, оғзаки мурожаат қабул қилинмайди", деди. Шу тўғрими?

*Н.Кудрявцев, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани*

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамланиб, унга кўра ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этишга оид конституциявий қоидани амалга оширишни таъминловчи яна бир асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда киритилиши, улар бир хил аҳамиятга эгалиги, фуқароларнинг мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Ушбу қонуннинг 8-моддасида белгиланишича, "Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади. Қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак".

Шу боис, сизга телефон орқали эмас, балки юзма-юз учрашиб оғзаки мурожаат қилишингиз тавсия этилади. Чунки "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг "Фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар"га оид моддасида келтирилишича, "Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним, деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди".

Саволга Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 8-сонли ДНИ нотариуси **Дилором ОХУНЖОНОВА** жавоб берди.

# Болаларга беринг дунёни

Давоми. Боши 1-бетда





*— 2012 йилда катта экран юзини кўрган, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев қаламига мансуб "Сариқ девни миниб" асари асосида сиз Сарвар Каримов билан ҳамрежиссёрликда суратга олган "Сеҳрли қалпоқча" картинаси томошабинларнинг, айниқса, болажонларнинг севимли фильмларидан бирига айланди. Келинг, бугун сиз билан ушбу фильмнинг ғояси, мақсади, унинг тасвирга олиниш жараёни тафсилотлари ҳақида эмас, балки кенг жамоатчиликнинг эътиборидаги долзарб масалалардан бири — болалар аудиторияси учун мўлжалланган фильм, мультфильмларнинг бугунги ҳолати ҳақида фикр алмашсак. Нима деб ўйлайсиз, бугун болаларимизни руҳан ва маънан озиқлантирадиган, уларга оқ билан қорани ажратишга, яхши билан ёмонни фарқлашга ёрдам берадиган фильм, мультфильмлар етарлими?*

— Кино, айниқса мультфильмлар — болада ота-она, маҳалла, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат, садоқат каби тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилувчи, аудиторияси энг катта ва энг тез таъсир кўрсатадиган санъат маҳсулоти. Бола минг маротаба эшитганидан кўра, кўзи билан бир бора кўрганига кўпроқ ишонади. Яъни, одатда болага "инсон оила аъзоларининг қадрига етиш керак" ёки "меҳнатнинг таги роҳат", деб панд-насиҳат бергандан кўра уларга намуна, ўрнак вазифасини ўтайдиган қаҳрамонига эга мультипликацион ёки бадиий фильмларни кўрсатиш кўпроқ самара беради, десам янгилик кашф этмаган бўламан.

Бугун махсус кўрсатувлар ёрдамида болаларимизнинг маърифий-маданий, ҳатто тиббий савиясини оширишга, яъни, уларни юқорида сиз айтганингиздек, маънан озиқлантиришга хизмат қилаётган "Болажон" телеканалининг очилишини халқимиз учун муҳим бир тарихий ҳодиса, деб аташ мумкин. "Болажон" кўрсатувларида бевосита иштирок этаётган болакай, қизалоқларни кузатар эканман, уларнинг тимсолида эртанги кунимизнинг эгалари нақадар истеъдодли, билимли, зукко эканлигини ҳис қилиб, очиғи фахрланаман.

Бироқ, айни пайтда ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинаётган мультфильмлар, киноларнинг қайси бирида болаларимизни ўзига эргаштира оладиган салоҳиятга эга мульт-қаҳрамон ёки образ мавжуд, деган саволни ўзимга ўзим кўп бераман. Бизнинг болаларимиз қайси кино ёки мультфильм қаҳрамонига эргашяпти? Дейлик, нега болаларимиз Алпомиш, Широқ, Муқанна ёки Насриддин Афанди сингари қаҳрамонларимизни эмас, балки Гарри Поттер, Ўргимчак одам, шер Алекс ва шунга ўхшаш қаҳрамонларни кўпроқ танишади ва ҳурмат қилишади? Мисол учун, устоз-режиссёрларимиздан бири Нозим Тўлахўжаевнинг тасвир, мусиқа, сўз сингари элементлар бир-бирини тўлдириб турган "Широқ ҳақидаги афсона" мультфильми ҳақида кўпчилик болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам билишмайди. Масалан, сиз фарзандингиз маҳалладаги ўртоқлари билан кўчада ўйин билан машғул пайтда фалон мультфильм бошланди, уйга кир, деб бирон-бир миллий мультфильмни назарда тутиб чорлаганмисиз?

Бу гапларим билан болаларимиз ёппасига миллий кино ёки мультфильм қаҳрамонларинигина кўриши керак, демоқчи эмасман. Бундай дейишга асос ҳам йўқ. Чет эл кино саноатида ҳам болаларни тарбияловчи, уларнинг эътиборини умумбашарий масалаларга қаратувчи кино ва мультфильмлар етарлича.

Бизнинг асосий камчилигимиз юксак савияли фильм ва мультфильмларимизни болаларга қандай тақдим этишни билмаслигимизда, назаримда. Оддийроқ айтганда, мазаси ширин, фойдали, витаминларга бой таомни болаларнинг ликопчаларига безаксиз, қуруққина, шунчаки сузиб бераётгандекмиз. Ваҳоланки, шундай ишлашимиз кераккки, улардан нафақат юртимиз, балки дунё болалари баҳраманд бўлиб, ўзига хос хулоса чиқара олсин, бизнинг миллатимизга хос урф-одатлар ва ҳоказолар билан танишсин.

*— Хўш, фикрингизча, ўзимизнинг мультқаҳрамонларимиз томошабинларнинг ёдида қолиши учун нималарга эътибор қаратиш керак?*

— XX асрнинг 20-йилларида Уолт Дисней мультипликация соҳасини ривожлантириш мақсадида Голливудга келганида, ёнида чўнтак пулидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган. Лекин унда энг асосийси — сифатли мультфильм ишлаш иштиёқи бўлган. Нью-йорклик кинопродюсер Диснейнинг ғайрати, шижоати ҳамда истеъдодини кўриб, унга ҳомийлик қилишга рози бўлади ва натижада "Алиса мўъжизалар мамлакатида" номли мультсериал устида иш бошланади. Сал ўтгандан кейин Диснейнинг Микки Маус исмли қаҳрамони бутун дунё болаларини ўзига жалб этади. Мультфильм бадиий жиҳатдан у қадар юксак савияга эга бўлмаса-да, сичқонча Миккининг доимо турли мураккаб вазиятлардан усталик билан чиқиб кета олиши ёш томошабинларнинг қизиқишини уйғотади. Оддий сичқончанинг машҳурлигидан фойдаланиб, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи компаниялар кенг миқёсда Микки Маусни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишади. Кейин компьютер дастурчилари унинг иштирокида турли хил ўйинлар ишлаб чиқишади, Миккининг сурати болаларнинг дафтарлари муқоваларида акс эттирилади ва Диснейнинг довруғи янаям ошади.

Буларни нега эслаяпсиз, деган саволни беришингиз мумкин. Бизда болалар фильми ёки мультфильми талаб даражасида ривожланмаётганлигининг асосий сабабларидан бири бу соҳада маркетинг яхши йўлга қўйилмаганлигида, деб ҳисоблайман. Масалан, "Сариқ девни миниб"даги Ҳошимжонни олайлик. Ҳошимжоннинг очилмаган қирралари талайгина. Биз фильмда фақатгина унинг дангасалиги, мактабдаги устозлари, дўстларига ўзининг нимагадир қодирлигини исботлашга уриниши, шу жараёндаги саргузаштларини, чиқарган хулосасини кўрсатишга ҳаракат қилганмиз. Яна бошқа бир ижодкор ёки мультипликатор унинг ўзгачароқ жиҳатларини очишга интилиши мумкин-ку... Ёки баъзан қалпоқча ёрдамида, баъзан эса унинг ёрдамисиз бирон-бир мушкул вазиятдан чиқиб кетадиган Ҳошимжонни бош қаҳрамон қилиб компьютер ўйинлари яратиш мумкин-ку. Ахир бугун компьютер ёш авлод учун муҳим аҳамиятга эга восита, у орқали ҳатто чет тилларини ўзлаштиришади, хориждаги тенгдошлари билан фикр алмашишади, умуман олганда юксак технологиялар асри болалари онги-шуурига компьютер ўйинлари ёки дастурлари орқали ҳам кўп нарсани етказиш мумкин.

Мультипликация соҳаси бизда жадал ривожланмаётганлигининг яна бир сабабларидан бири ҳам айнан юксак технологияларга бориб тақалади, деб ўйлайман. Аниқроғи, бизда сўнгги русумдаги технологияларнинг етишмаслиги асосий муаммомиз. Бир ўйлаб кўринг, нега Голливудда ишланган мультфильмлар бутун дунёда машҳур? Сабаби, улар тинимсиз изланишда, яъни аввал қўлланилмаган мавзу, ҳолат, қаҳрамондан фойдаланиш анъанаси ривожланган. Бунинг учун эса компьютерда турли хил дастурлардан, инновацион қурилмалардан фойдаланишади, уларни синовдан ўтказишади. Масалан, Control Motion, Control Kaptcher деган қурилмалар бор. Дунёга машҳур "Аватар" фильмидаги Пандорра қабиласидаги барча қаҳрамонларни экранда акс эттиришда айнан Control Kaptcher тизимидан фойдаланилган.

Хуллас, бизда ҳам болаларнинг эътиборини ўзига тортадиган даражадаги ранг-баранг анимацион ва бадиий фильмларни янгича технологиялар асосида ишлаш фурсати аллақачон келган. Бизда ҳам жаҳондагидек кинопродюсер, супервайзер дея аталувчи мутахассислар таркиби шаклланиши керак, назаримда. Шундагина бизнинг кучли савиядаги асарларимиз дунё юзини кўриши, бизнинг қаҳрамонларимиз болалар онгидан чуқур жой эгаллаши муқаррар, деб ҳисоблайман.

*— Демак, "Адолат" социал-демократик партияси илгари сураётган инновацион тараққиёт нафақат иқтисодиёт тармоқларида, балки болалар киноси ва мультипликацияси соҳаси ривожида ҳам жуда муҳим аҳамият касб этар экан-да?*

— Албатта, инновацион технологияларсиз бугунги болаларнинг диққат-эътиборини жалб этиш мушкул. Ёрқин ранглар, чиройли тасвир, жозибадор куй ва овозга эга қўшиқлар билан ишланган мультфильм, албатта, боланинг қизиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, бундай мосламалар бадиий ёки анимацион фильм ишлаб чиқариш вақтини, харажатини қисқартиради.

Сиёсий партиялар тўғрисида сўз очиб тўғри қилдингиз. Менимча, партияларимиз ўзларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашлик қилаётгандек. Партиялардан сайланган турли даражадаги депутатлар бу соҳадаги муаммоларга оид муқобил таклифларини илгари суришлари мумкинку, ахир.

*— Болаларнинг ранг-тасвир, куй ва қўшиққа бой бўлган мультфильмларга, ранг-баранг рекламаларга қизиқишини кўп кузатганмиз. Шу билан бирга, уларнинг картиналардаги ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозонишини ўзгача қувонч ва самимият билан қарши олишлари, қувонишларини кўриб, эртаклар яхшиликка етаклар, деб бежиз айтилмаганига амин бўламиз...*

— Тўғри, айтасиз. Эртаклар болажонларни катта ҳаёт мактабига тайёрлайди, уларни ўзлари учун номаълум бўлган оламга ошно этади. Асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган, шу билан бирга мультфильм ёки тўлиқ метражли бадиий фильм сифатида ишланишга арзийдиган эртакларимиз жуда ҳам кўп.

Очиғини айтиб тан олиш керак, биз режиссёрларда халқимизга бу асарларни тайёр маҳсулот сифатида тақдим этишда баъзан ташаббус, баъзан маҳорат етишмаяпти. Хуллас бу борада ҳали ўз устимизда кўп ишлашимиз керак.

Шу билан бирга, баъзан чоп этилган айрим эртакларимизни ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлаган пайтларим ҳам бўлди. Бир куни жиянчамнинг туғилган кунига китобдан бўлак яхши совға бўлмайди, деб, дўкондан "Ўзбек халқ эртаклари" деб номланувчи, муқовалари қалин, қоғозлари оппоқ ва сифатли, қисқаси жаҳон стандартлари талаби асосида чоп этилган китобни танладим. Мундарижасига қарасам, болалигимда ўқиган "Ур, тўқмоқ", "Уч оғайни ботирлар", "Муқбил Тошотар" ва бошқа бир қатор севимли эртакларим бор экан. Хуллас, китобни жиянимга совға қилишга қилдиму, болалигим ёдимга тушиб, берган совғамни ўқиб туриш учун сўрадим. Уларни ўқиб, роса роҳатландим, болалигимга қайтгандек бўлдим. Лекин китобдаги айрим эртаклар билан янгидан танишар эканман, уларнинг орасида мени таажжублантирганлари ҳам бўлди.

"Ҳасан ва Зуҳра" деб номланган эртакда ёзилишича, қадим замонда бир подачи чол билан кампир бор бўлиб, уларнинг уч қизи бўлган экан. Катта қизи йигирма бирга, ўртанчиси ўн тўққизга, кенжаси эса ўн саккизга кирибди. Чол-кампир қизларга совчи келмагани учун кечаю-кундуз хафа бўлиб юришибди. Кунлардан бир куни чол кампирига қариган чоғида қийин аҳволга қолишганини айтиб, шу қизлар ўғил бўлганида бизни боқишган бўларди, деб зорланибди. Шунда кампир қизларини ўзларига ўхшаган камбағалга берсак, деган фикрни ўртага ташлайди. Энг қизиғи, кампир қишлоқдаги бойнинг қароллари билан бирма-бир учрашиб, ҳар қайсига қизларидан хоҳлаганини топганларича тўй қилиб олишлари ҳақидаги таклифини маълум қилади. Улар ҳам рози бўлишмайди. Хуллас, эртакнинг давомини ўқишга сабрим чидамади. Ёки яна бир эртакнинг бошланишини қаранг: қадим замонда бир бой бўлган экан, унинг тўртта хотини бор бўлиб, улардан бир кам қирқта ўғил кўрган экан. Бир куни боғда айланиб юриб, яна бошқа ўн саккиз ёшли қизни севиб қолибди....

Ахир, болалар учун мўлжалланган эртакларимизда нималар ёзилган, болаларга қизларини турмушга узата олмаётган чол-кампирнинг миллий менталитетимизга хос бўлмаган, ноодатий ҳаракати ҳақидаги маълумот болаларга қандай озуқа бериши мумкин? Эрта никоҳга қарши курашилаётган ёки қиз бола ва ўғил боланинг тенг ҳуқуқлилиги тан олинган бир пайтда бундай эртаклар болаларимизга нимани ўргатиши мумкин ёки тўртта хотини бор инсоннинг бешинчисини севиб қолиши ҳақидаги маълумотни фарзандларимиз билиши шартми?..

*— Болалар учун нималар тайёрлаяпсиз, умуман, бугунги ишларингиз, келгуси режаларингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз.*

— 2014 йил юртимизда «Соғлом бола» йили деб эълон қилинди. Бу ижодкорлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Жажжи томошабинларимизга аталган бир неча ишларни бошлаб қўйганман. Аввал уларни битириб олайин-чи...

Айни кунларда эса маслакдош дўстларим билан Illumina Media деб номланган хусусий киностудия очганмиз. Яқин келажакда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти билан биргаликда ёш ижодкор, санъаткорларни кашф этиб, уларни рағбатлантиришга хизмат қилувчи "Камолот рекордс" номли аудио-визуал студиясини очишни режалаштирмоқдамиз.

**"Adolat" мухбири**
**Саодат СОДИҚОВА**
суҳбатлашди

## ТЕНГЛАМА БОР, ЕЧИМ ТОПИЛМАЯПТИ

*Маълумки, янги минг йиллигимиз арафасида АҚШдаги Клэй математика институти еттита математик масалани учинчи мингйиллик масаласи (Millennium Prize Problems), деб эълон қилди ва уларнинг ҳар бирининг ечими учун миллион доллардан мукофот белгилади. Булар қуйидагилар эди:*

1. Р ва NP синфларининг тенглиги. 2. Хож гипотезаси. 3. Пуанкаре гипотезаси. 4. Риман гипотезаси. 5. Янг — Миллс назарияси. 6. Навье — Стокс тенгламалари мавжудлиги ва ечимлар силлиқлиги. 7. Бёрч — Свиннертон-Дайер гипотезаси.

Мазкур масалалардан фақат биттаси — 1904 йилда эълон қилинган Пуанкаре гипотезаси россиялик олим Перельман томонидан 2006 йилда ечилди. Бироқ олим ўзига тегишли миллион доллар мукофотни олишдан бош тортди. Айни кунларда дунёдаги тирик даҳолар рўйхатида 9-ўринда турган Перельман Санкт-Петербургда, коммунал уйда, онасининг нафақа пулига яшамоқда.

Шубҳасиз, қолган олти муаммо устида бош қотираётган олимлар сони кундан-кунга ошаверди. Жумладан, 2010 йилда америкалик профессор Деолаликар "P vs NP" жумбоғини ечганлигини эълон қилди. Аммо ўтказилган текширишларда формулаларда хато борлиги аниқланди. Мазкур масала юзасидан луганслик (Украина) профессор Анатолий Плотниковнинг бир эмас, икки ечими ҳам худди шу сабабга кўра рад этилди.

Жорий йил январь ойининг бошларида қозоғистонлик олим М.Ўтелбоев гидродинамиканинг муҳим масалаларидан бирини қамраб олган, ёпишқоқ суюқликлар ва газлар ҳаракатига бағишланган "Навье — Стокс тенгламалари"ни ечганлигини эълон қилганди. Бироқ амалдаги қоидаларга кўра, ечим математиклар томонидан икки йил ичида жиддий тарзда рад этилмаган тақдирдагина кўриб чиқиш учун ҳайъат томонидан қабул қилинади ва ана шундан кейингина мутахассислар томонидан ўрганилади.

Бироқ дастлабки ўрганишларнинг ўзидаёқ М.Ўтелбоев ечимида жиддий камчиликлар борлиги аниқ бўлиб қолди. Куни кеча машҳур математик олим Теренс Тао эълон қилган мақолада эса Навье — Стокс муаммосини бугунги кун фанида эришилган билимлар билан ечиб бўлмаслиги эътироф этилган.

Демак, изланишлар давом этади.

$$\frac{\partial \vec{v}}{\partial t} = -(\vec{v} \cdot \nabla)\vec{v} + \nu \Delta \vec{v} - \frac{1}{\rho}\nabla p + \vec{f},$$

*Сиқилмайдиган суюқлик учун Навье-Стокс тенгламаси.*

## 101 ЁШИДА... КОНГРЕССГА

*АҚШнинг Флорида штатида истиқомат қилувчи 101 ёшли Жо Ньюман Конгресс вакиллар палатаси депутатлигига ўз номзодини қўйди ва сайловолди сайтида ўзи ҳақида тўлиқ маълумот беришга ҳам улгурди.*



Сайловчиларга мурожаатида Ньюман бир асрдан ошган ёшига мос тарзда катта ҳаётий тажрибага эга эканлигини, бу борада бошқа бирон номзод унга тенг келолмаслигини алоҳида қайд этиб ўтган. Номзоднинг ўзи "Анропологик тараққиёт" деб атаган сайловолди дастурида 2014 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларда ўзига ишонч билдирадиган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишга, жамиятни янада такомиллаштиришга хизмат қилишга ваъда берган.

Маълумотларга кўра, рус муҳожирлари авлодидан бўлган Ньюман Конгрессга сайланган тақдирда янги рекорд ўрнатади. Ҳозирча 1981 йили 90 ёшида депутат бўлиб сайланган Ральф Холл бу соҳада пешқадам бўлиб турибди.

## ЯРИМ АСРЛИК ҚЎЛҚОПЛАР СОТИЛДИ

*Бундан роппа-роса эллик йил муқаддам, 1964 йилнинг 25 февралида америкалик боксчи Кассиус Клей (Муҳаммад Али) Флоридада номдор рақиби Санни Листон устидан ғалаба қозониб, чемпион бўлганди.*



Жанг олдидан кўплаб экспертлар ғолиблик Листонга насиб этади, деб ҳисоблашганди. Бироқ еттинчи раундга келиб у енгилганлигини тан олди.



Мана шу жангда Муҳаммад Али кийган бокс қўлқоплари жорий йилнинг 22 февралида ўтказилган кимошди савдосида 836,5 минг долларга сотилди.

Дастлаб мутахассислар қўлқоплар кўпи билан ярим миллион долларга баҳоланади, деб ҳисоблашганди. Бироқ 11 талабгор орасида бошланган кураш анча қизғин кечди ва натижада қўлқоплар баҳоси кўтарилиб кетди. Шунга қарамасдан, харидорнинг кимлиги номаълум бўлиб қолди.

Эслатиб ўтамиз, Муҳаммад Али 1964-1966, кейинчалик эса 1974-1978 йиллари оғир вазнда мутлақ жаҳон чемпиони бўлган.

**Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

## АВТОМОБИЛНИ... УЙИНГИЗДА ЙИҒАСИЗ

*Одатда, кўплаб ҳаваскорлар машиналарини ўз қўллари билан йиғишни исташади. Шунда ишончлироқ бўлади-да.*

Италиялик лойиҳачилар мана шу орзуни воқеликка айлантирдилар. Энди Tabby автомобили буюртмачига яшикларда етказиб берилади. Машина махсус ускуналарсиз йиғилади. Буюртмачи талабига кўра машина икки ёки тўрт ўринли бўлиши мумкин. Автомобилга истаган моторни ўрнатиш мумкин.

Энг қизиғи, бензин билан ишлайдиган моторда тезлик соатига 45 километрга етгани ҳолда, электр моторда бу кўрсаткич соатига 80 километрдан ошади. Tabby учун яратилган махсус двигатель ёрдамида эса бемалол 400 чақиримлик масофани босиб ўтиш мумкин. Машиналар 4 мингдан 6 минг еврогача баҳоланмоқда.

Дарвоқе, буюртмачи хоҳишига кўра осонлик билан машинасини электр мотордан бензинли моторга ўтказиши, машинани юк ташишга мослаштириши мумкин.

## УЧ АВТОЗАВОД ВАҚТИНЧАЛИК ИШДАН ТЎХТАДИ

*Ўтаётган ҳафта ичида бозордаги вазият туфайли Россиядаги бир эмас, учта автомобиль заводи машина ишлаб чиқаришни тўхтатди.*

Ҳозирча УАЗ заводи конвейери 14 кунга тўхтатилганлиги маълум қилинган. Санкт-Петербургдаги GM заводида ҳам ҳозирча икки ҳафталик мажбурий таътил эълон қилинган. АвтоВАЗ эса конвейердан "Granta" ва "Kalina" моделларини олиб ташлади, эски «Нива» (Lada 4x4) ишлаб чиқариш ҳам вақтинчалик тўхтатилди.

Матбуот хабарларига қараганда, заводлар тўхташига бозорда машиналарга талаб камайиши билан бир қаторда рублнинг қадри пасайиши ҳам сабаб бўлган. GMда ўтган йили



машиналарни сотиш ҳажми 11 фоизга қисқарган, АвтоВАЗ ва УАЗда эса 15 фоизга.

Масъуллар вазият назорат остида эканлигини, чунончи АвтоВАЗ билан GM бундан кейин ҳам бозор етакчилари бўлиб қолишини маълум қилишган.

Reklama

AGROBANK

# Ишончли ҳамкорлик — тараққиёт гарови

Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бугунги кунда иқтисодиётимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.



Фақатгина ўтган йилнинг ўзида 26 мингдан зиёд ана шундай хўжалик юритувчи субъект ташкил этилгани, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилгани, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи улар ҳиссасига тўғри келгани бунинг яққол тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлар лойиҳаларини юзага чиқариш жараёнида банк-молия муассасаларининг ўрни беқиёс эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, "Агробанк" ОАТБнинг Тошкент вилояти филиаллари ҳам бугунги кунда барқарор ва ишончли ташкилот сифатида вилоятнинг чекка-чекка туманлари, олис қишлоқ ва овулларидаги аҳоли, тадбиркор ва фермер хўжаликлари билан мунтазам алоқа ўрнатиб, уларга турли хилдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, банкнинг туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўтган йил давомида 41 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилди. Уларнинг ҳисобига жами 1138 та иш ўринлари ташкил этилди.

"Агробанк" ОАТБнинг Тошкент вилоятидаги филиаллари билан ҳамкорлик қилиб, фаолиятини тобора ривожлантираётган соҳа вакилларининг қуйидаги фикрлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

**Мунаввар Абдураҳмонова,**
**"Sardor-Sarvar Baraka" МЧЖ раҳбари:**

*— Мамлакатимизда аёлларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилашга кўмаклашиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам кенгайтириб ҳамда рағбатлантириб бориш Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.*

*Мен ҳам мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, "Агробанк" ОАТБнинг Гулбаҳор филиалидан 52 миллион сўм миқдорида кредит олган эдим. Ажратилган кредит ҳисобига савдо дўконларимизни таъмирладик, зарур ускуна-жиҳозларни сотиб олдик. Иш ҳажми ортиб, 3 та янги иш ўрни яратилди. Ўз олдига эзгу мақсадни қўйган инсоннинг нияти, албатта, рўёбга чиқар экан. Демоқчиманки, мазкур молия муассасасини танлаб адашмаган эканман. Нега деганда, ҳар қандай молиявий ва ҳуқуқий мадад сўраб, банк ходимларига мурожаат этганимда, улар мендан ёрдамларини аяшмайди. Қачон банкка келсам, мени яхши кутиб олишади. Шу боис "Агробанк" хизматидан мамнунмиз. Бизнинг самарали ҳамкорлигимиз келгусида ҳам изчил давом этади, деб ишонаман.*

**Ҳабибулла Абдуҳакимов,**
**"Trans servis Parkent Baraka" МЧЖ раҳбари:**

*— Бугун халқимизнинг даромадлари кўпайиб, кундан-кунга уларнинг эҳтиёжи, айниқса, узоқни яқин қилувчи восита ҳисобланмиш автомобилларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Ҳар бир ҳайдовчи доимо тоза ва озода автомобилларни минишни яхши кўради. Шу боис коллежни битирганимдан сўнг автомобилларни ювиш ва сервис хизматларини кўрсатишга оид иш-режам билан "Агробанк"нинг Паркент тумани филиалига мурожаат қилдим. Натижада менга филиал томонидан 15 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига 3 та янги иш ўрни яратилди, карчер ва пилесос сингари ускуна-жиҳозлар сотиб олинди. Ҳозирда кунига аҳолининг 60 дан ортиқ автомобилларига хизмат кўрсатиляпти.*

*Ёш тадбиркор, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб, уларга ишонч билдирган банк ходимларига миннатдорчилик билдирмоқчиман.*

**Зулфия Мирҳаитова, "Asliddin Plyus Rivoj" оилавий корхонаси раҳбари:**

*— Юртимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, хусусан, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ишбилармон-тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган банк ходимларининг хизматлари катта бўлмоқда. Мен ҳам оилавий тадбиркорлигимни йўлга қўйишимда оилам кўмаги ва "Агробанк" ходимларининг маслаҳатларига таяниб, иш тутдим. Бизнес-лойиҳамга асосан "Агробанк"нинг Паркент филиалидан 17 миллион сўм миқдорида кредит олдим. Мазкур маблағлар эвазига оилавий корхонам учун тикув машиналари ҳамда хомашё сотиб олиб, иш фаолиятимни бошладим. Натижада маҳалладошларим учун ажратилган кредит ёрдамида 5 та янги иш ўрни яратилди. Энг асосийси, банк молиявий кўмагидан унумли фойдаланиб, оилам фаровонлигига ва юртимиз равнақига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.*

**Абдуғани СОДИҚОВ**

Reklama



ASAKA BANK

# «Асака» банк сармоялари

## эл саломатлиги сари йўналтирилмоқда

Президентимиз томонидан юртимиз аҳолиси саломатлигини янада яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш нақадар долзарб аҳамиятга эга экани доимий таъкидлаб борилиши бежиз эмас. Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши ҳам бунинг яққол далилидир. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати натижасида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш асосида тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали тизим, яъни ўзига хос миллий модель яратилди.



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукаммал ташкилий тузилмаси шакллантирилди. Жумладан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, пировард натижада — одамларнинг, айниқса, болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижроси натижасида мазкур соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Бизнинг тиббиёт муассасамиз ҳам аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларда ўзининг муносиб ҳиссасига эга. Бунда бизга республикамизда етакчи банклардан бири саналган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ўз молиявий кўмаги билан катта ёрдам бермоқда.

Тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида "Асака" банкнинг Автотранспорт филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси бизнинг кредитга бўлган талабимизни тезликда кўриб чиқиб, ижобий ҳал этди. Банк кредити ҳисобига аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда қулай шарт-шароитларга эга бўлган иншоотни сотиб олиш имконияти берилди. Бу эса бизга пойтахт шаҳри ва вилояти аҳолисига, уларнинг талаби асосида барча тиббий амалиётларни тезкор амалга оширишга кенг имкониятлар яратди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида тиббиёт муассасамизда 30 нафарга яқин янги иш ўринлари яратилди ва 5 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам ишга қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" банкнинг ҳар томонлама мадади бизнинг муассасамиз фаолиятига муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам "Асака" банк ҳамкорлигида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшамиз, деган ниятдамиз.

**Баҳодир ҚОСИМОВ,**
«doktor-servis» МЧЖ раҳбари

# Қизиқарли фактлар

- Швеция ва Норвегия давлатлари чегарасида ҳар йили июль ойида ғаройиб табиат манзараси кузатилади. Қуёш ботмай, кўлнинг атрофини 360 градус айланиб чиқади. Бу ҳодиса 14 кун давом этади, яъни бу вақт мобайнида кун ботмайди.
- Энг тез сўзлашадиган миллат — французлардир. Улар ўртача бир дақиқада 350 та сўзни гапиришади.
- 1616 йилнинг 23 апрель куни икки буюк даҳо — Шекспир ва Сервантес охиратга риҳлат қилган.
- Биринчи чойхона Японияда пайдо бўлган.
- Сингапур Экваторга энг яқин шаҳар ҳисобланади.
- Меркурий Қуёш атрофида энг тез айланадиган сайёра ҳисобланади.
- Винсет Райт исмли ёзувчининг "Gadsby" номли романида 50 мингдан ортиқ сўз ишлатилган бўлса-да, битта хам "Е" ҳарфи учрамайди.
- Машҳур рассом Пабло Пикассонинг суратлари миллионлаб долларларга сотилаётгани ҳақидаги хабарларни кўп эшитганмиз. Буни қарангки, рассом ёшлик чоғларида ночор аҳволда қолганида чизган суратларини ёқиб исинган экан.
- Япон аёллари ўртача 84 йил умр кўради, ботсваналик аёллар эса ўртача 39 йил...
- Тинч океанидаги Таити ороли аҳолиси калтакесакни муқаддас мавжудот, деб ардоқлашади.
- Рейн дарёсида шундай бир жой борки, айтилган сўз ёки бирор товуш 20 мартагача акс-садо беради.
- Ҳиндистондаги бир йилда туғиладиган чақалоқлар сони Австралиянинг жами аҳолисидан ҳам кўпроқ.
- Тинч океанига яқин жойлашган Вануату оролчасидан 50 метр чуқурликда сувости почта бекати мавжуд. Махсус сув ўтказмайдиган конвертни дайверлар ёки ғаввос-почтачи ёрдамида сув остида жойлашган почта қутисига ташлаш мумкин. Сув ости почта қутилари Япония, Малайзия, Багам оролларида ҳам ўрнатилган.

Reklama

# «SHAD SAVDO ZAMIN»

## масъулияти чекланган жамияти

### *«Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади*

**Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 17 январдаги 44-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарнинг Пиридастгир кўчаси ёқасидан уч қаватли турар жой биноси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун 400.0 кв.мдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда. Ер учаткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 282432 сўм.**

*Талабгорлар диққатига!*

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (якшанбадан ташқари) бошланади ва 2014 йил 29 март соат 18:00 да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотека-банк» Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 31 март куни соат 11:00 да очилади. 2014 йил 31 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши, деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 31 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 7,14,21,28 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

*Танловда фақат юридик шахс мақомига эга бўлган талабгорлар иштирок этадилар ва улар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:*

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари;
- объектлар қуриш учун ушбу юридик шахсга илгари берилган ер участкаларидан фойдаланишнинг ҳолати (мавжуд бўлса), шунингдек, қурилишнинг норматив муддатларига риоя этилиши тўғрисида шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимининг ҳамда шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг фикри;
- хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжудлигини тасдиқлайдиган маълумотномаси;
- охирги йил учун аудиторлик ташкилотининг хулосаси (мавжуд бўлганда);
- охирги икки йил учун талабгорнинг бухгалтерия баланси;
- тегишли шаҳар давлат солиқ инспекциясининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича талабгорнинг қарздор эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча вароқлари талабгорнинг имзоси, юридик шахснинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уй.**
**Телефонлар: 8 (365) 221-51-62.**
*Лицензия RR-0048*

# Озишни хоҳлайсизми?

**Бу турфа олам**

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, кўк чой озишга кўмаклашувчи ичимликларнинг энг яхшиси экан. Бу ичимлик инсон организмига зарар келтирмай, озишига ёрдам беради.



Семирмаслик учун албатта парҳез тутиш, меъёридан ортиқ таом тановвул қилишдан тийилиш шарт эмас, шунчаки кундалик рационга кўк чойни қўшиш кифоя, дейишмоқда.

Кўк чой организмдаги моддалар алмашинувини яхшилайди. Уни заҳарли моддалардан, туз ва бошқа оғир металлардан тозалайди. Шу аснода метаболизм жараёнини нормаллаштириб, вазнни табиий йўл билан камайтиради.

Олимларнинг аниқлашларича, организмдаги метаболизм жараёнининг бузилиши ўз-ўзидан семиришга, ёғ тўпланишга олиб келар экан. Кўк чойнинг бир пиёласи 80 ккал вазнни олиб ташлайди. Бу унчалик кўп бўлмаса ҳам, йил давомида бу йўл билан 4 килограмм вазн йўқотиш мумкин.

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146);
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Ф.Жўраев. **Навбатчи** — Ғулом Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200. Адади — 11201
Босишга топшириш вақти — 21.10 Босишга топширилди — 23.45
1 2 4 5